**Тарих синовларидан ўтган ҳақиқат шуки, ўзини ўзгартиришга қодир бўлган, вақтни – имкониятга, имкониятни – ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ – буюк халқдир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**


O‘zingni angla!

# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
9-oktyabr
chorshanba
№ 40 (1415)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi


**МУШОҲАДА**

## ОНА ВАТАН БОҒЛАРИ — ЮРТ КЎРКИ



**Аҳолининг яшаш манзилида бунёд этилган маданият ва истироҳат боғлари қулай, камчиқим, ҳам оилавий, ҳам гуруҳ бўлиб чарчоқ чиқарадиган жой бўлгани боис, йилнинг иссиқ мавсумларида яна ҳам гавжумлашади. Мамлакатимизда улар сонини йилдан йилга кўпайтириш, кишиларнинг баҳри-дили очиладиган, чарчоғи ёзиладиган масканга айлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Статистика агентлигидан берилган маълумотга кўра, юртимизда 129 та дам олиш маскани мавжуд. Агар масалага сон эмас, сифат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, маданият ва истироҳат боғлари том маънода ўз йўналишига мос ишлаяптими, бу борада ташаббускорлик кўрсатиляптими, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси назорат қилиб бориляптими, маҳаллий ҳокимиятларнинг бу масалага эътибори қандай, каби саволларга жавоб излаш жоиз.**

### АНЪАНАГА СОДИҚЛИК

Маданият ва истироҳат боғлари шаҳару туманларимизга кўркамлик, инсон руҳиятига кўтаринки кайфият бағишлайди, боқий қадриятларни мустаҳкамлашга замин яратибгина қолмай, атроф-муҳит тозалигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Шарқ мамлакатларида азалдан сўлим боғ-роғлар бунёд этишга эътибор катта бўлган. Аждодларимиз анъанасининг асрлар оша давом этаётганлиги чин маънодаги эзгуликнинг тантанасидир, аслида. Довдарахт, гул, бута макони бўлган боғларда инсон нафақат дам олади, балки табиат билан бир бутунлигини, уйғунлигини янада теранроқ ҳис қилади.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур раҳнамолигида тузилиши геометрик шаклда бўлмаган, табиий дарахтзор ва чакалакзорлар бағрида кўплаб боғлар қурилган. Ҳукмдорнинг ов қилиши учун мўлжалланган боғнинг асосий қисми табиий, қўл текизилмаган ҳолда сақланган. Маълум қисмидагина дам олиш мумкин бўлган сарой қурилиб, чодир тикилган. Ҳовуз, фавворада “оби-ҳаёт” мавжланиб ва отилиб турган. Амир Темур даврида **“Боғи баланд”, “Боғи беҳишт”, “Боғи давлатобод”, “Боғи дилкушо”, “Боғи шамол”** номи билан аталган дам олиш масканлари тилга тушган эди.

– Жадал ривожланаётган мамлакатимизда маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш диққат-эътибордаги масалага айланиб бормоқда, – дейди Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон экологик партияси фракцияси аъзоси Исломжон Хушвақтов. – Рўйхатга олинган 247 та маданият ва истироҳат боғидан 59 таси маданият вазирлиги тассаруфида, 175 таси турли давлат органлари балансида ва 24 таси хусусий сектор ихтиёрида бўлиб, ундан 182 таси фаолият кўрсатмоқда. Яқин йилларда пойтахтимизда “Ашхобод”, “Наврўз”, “Tashkent City Park”, “Magic City”, Наманганда “Афсоналар боғи”, Андижонда “Олтинсой”, Нукусда “Амир Темур боғи” барпо этилди.

Ушбу ўзгаришларга, аввало, соҳани ривожлантиришга асос бўлган ҳуқуқий база замин яратмоқда.

3-б.

**ТААССУРОТ**

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРИ

*Академик Саъдулла Искандаровнинг шу номли китоби ҳақида мухтасар мулоҳазалар*




**Сиёсий арбоблар, айниқса, давлат раҳбарлари фаолияти ҳақида ёзиш учун муаллиф, аввало, юксак салоҳият, илмий заковат, катта ҳаётий тажриба, теран иқтисодий-сиёсий тафаккур, шунингдек, кенг мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлиши керак. Таниқли олим, узоқ йиллик бошқарув тажрибасига эга раҳбар, фаол жамоат арбоби, академик Саъдулла Искандаровнинг “Янги Ўзбекистон меъмори: Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий портретига чизгилар” номли китобини мутолаа қилар эканман, энг аввало, Давлатимиз раҳбарининг юксак инсоний фазилатлари, ҳам илмий, ҳам раҳбарлик фаолиятидаги катта салоҳиятлари самимият ва холислик билан ёритилганига, бу борада муаллиф бемисл маҳорат кўрсатганига амин бўлдим.**

Аввалambор, инсонларни сергаклантирувчи, чуқур мулоҳазага чорловчи, қалбимизда бугунги кунга бўлган шукроналик ва розиликни такрор ва такрор оширувчи мазкур асар муаллифи академик Саъдулла Искандаровга миннатдорлик билдираман. Сабаби, китобдаги ҳар бир мавзу жуда топиб, асослаб берилган. Муаллиф давлат раҳбарини яқиндан таниган ва ҳар томонлама ўрганган инсон сифатида ўз фикрларини баён этган. Ўйлайманки, асарни ўқиган ҳар бир китобхоннинг қалби ҳаяжонга тўлади.


Китоб тузилишига кўра, кириш, ўн бир боб ва хулоса қисмларидан иборат. Китоб боблари бир-бири билан узвий боғлиқ ва мазмунан ҳар бир боб ўзидан кейингисини тўлдириб боради. Муаллиф равон ва тушунарли услубда аниқ ҳамда асосли мулоҳазалар билан қалам тебратган.

2-б.

**НУҚТАИ НАЗАР**

## ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР

**Дунё харитасида илгарилаб бораётган давлатлар билан чуқурроқ қизиқиб кўрсак, барчасида таълим, илм-фанга алоҳида эътибор берилаётгани билан боғлиқ умумийликни илғаш қийин эмас. Негаки, айнан бугун жамият ривожи ва истиқболида кўп жиҳатдан таълим асосий ўрин эгаллашини эътиборга олиш лозимлигини англашга интилиш мойиллиги кучайди. Айнан “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг биринчи йўналиши таълим тизимидаги ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш, ўқитиш сифатини ошириш орқали инсон капиталини ривожлантиришга қаратилганлиги ҳам Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти ва келажаги таълим-тарбияга йўналтирилган янги ёндашувлар билан янада уйғунлиги исботидир.**



Шу ўринда Хоразм вилоятида ташкил қилинганига эндигина 3 йил тўлаётган Урганч давлат педагогика институтида қисқа вақт ичида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мисолида юқоридаги фикрларнинг яна бир бор амалдаги ифодасини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 289-сонли Қарорига асосан, Урганч давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида Урганч давлат педагогика институти ташкил этилди.

2-б.

**ҚАРДОШЛАР ТАНЛОВИ**



## ҚОЗОҒИСТОННИНГ АЗМУ ҚАРОРИ

**Сўнгги ҳафталарда Қозоғистон жамоатчилиги атом электр станцияси қурилиши масаласини қизғин муҳокама қилмоқда. Бу, таъбир жоиз бўлса, “ё нажот, ё ҳалокат” масаласига айланган. Зеро, мамлакатнинг энергетика жабҳасида ошиб бораётган эҳтиёжини қоплаш кўп жиҳатдан АЭСга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Танганинг иккинчи томони бўлганидек, АЭС қурилиши билан боғлиқ хавотирлар ҳам мавжуд. Шу боис Қозоғистон раҳбарияти бу масалани умумхалқ муҳокамасига қўйишни маъқул деб топди.**

### Энг узоқ давом этган кампания

6 октябрь, якшанба куни Қозоғистонда АЭС қурилиши бўйича референдум бўлиб ўтди. Мамлакат халқи “Сиз Қозоғистонда атом электр станцияси қурилишига розимиз?” деган саволга жавоб берди.

Ушбу референдумга тайёргарлик мамлакат сиёсий тарихидаги энг узоқ давом этган кампания деб баҳоланмоқда. Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 2023 йил 1 сентябрдаги мурожаатномасида референдум ўтказиш ғоясини илгари сурган эди.

Мамлакат масъулларига кўра, референдумга ҳозирлик ишлари ўшандаёқ бошланди. Ўтган бир йил мобайнида ҳудудларда жамоатчилик эшитувлари ташкил этилди, экспертлар, жамоат фаоллари ва зиёлилар атрофлича фикр алмашди.

Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (МСК) овоз бериш учун 12 миллион 284 минг 487 нафар фуқарони рўйхатга олди.

2-б.

**САЙЛОВ-2024**

## ДЕМОКРАТИК ОВОЗ БЕРИШ ТИЗИМЛАРИ ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ




**Сайлов тизимини уч турга бўлиш мумкин: кўпчилик тизими, мутаносиб вакиллик тизими ва аралаш тизим. Ушбу турдаги тизимлар нафақат расмий жиҳатлари, балки ушбу сайлов тизимларидан фойдаланишда эришилган сиёсий мақсадлари билан ҳам фарқланади.**

**Сайлов тизимининг учинчи тури мажоритар ва пропорционал турларининг аралаш тизимидир. Ушбу тизим, мутахассисларнинг фикрига кўра, кўпчилик ва мутаносиб сайлов тизимларининг ижобий хусусиятларини ўз ичига олиши керак. Мазкур тизимнинг моҳияти шундан иборатки, депутатлик мандатларининг маълум бир қисми кўпчилик тизими тамойилларига мувофиқ тақсимланади. Бу барқарор ҳукуматни шакллантиришга ёрдам беради.**

3-б.


## ОБУНА — 2025




Ўзликни англаш, матбуотни ўқиш — “Hurriyat”дан бошланади! 2025 йил учун обуна бўлишни унутманг!

**ОБУНА ИНДЕКСИ:**
якка обуначилар ва ташкилотлар учун – 233

# ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР

1-б.

Педагог кадрлар мақомини ошириш, билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш борасида юртимизда амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар таълим тизимини ҳаракатлантирувчи асосий куч бўлган педагогларнинг касбий изланишига рағбат



берди. Ўз келажагини шараф ва матонат тимсоли бўлган ЎҚИТУВЧИ касбида деб билган интилувчан ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида кадрларга бўлган юқори талаб янги таълим йўналишларини ва мутахассисликлар очилишини тақозо этади. Шу мақсадда бу йўналишдаги ўтган 2023-2024 ўқув йилидаги ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида Урганч давлат педагогика институтида факультет ва кафедралар тузилмалари янада кенгайтирилди. Мавжуд бўлган факультетлар сони (педагогика, филология ва тарих, аниқ ва амалий фанлар) тўрттага етказилди. Янги “Бошланғич таълим” факультети ҳамда унинг таркибида “Бошланғич таълим методикаси” ва “Умумий психология ва бошланғич таълим педагогикаси” кафедраси ташкил этилди.

Тўртта факультет негизидаги кафедралар сони 12 тага етказилди ва институтида 4 та факультет, 12 та кафедрадан иборат бошқарув тузилмаси ташкил этилди. Талабаларга қулайлик яратиш мақсадида “Регистратор офиси” ташкил этилди.

2024-2025 ўқув йилидан Урганч давлат педагогика институтида 19 та кундузги, 9 та сиртқи бакалавриат йўналиши, 11 та магистратура мутахассисликлари фаолияти йўлга қўйилди. 2025 йил январь ойидан 7 та ихтисослашган йўналишлар бўйича 14 та таянч докторантурага квоталар ажратилиши режалаштирилган.

Юртбошимиз томонидан ёшларга берилаётган эътибор ва ишонч натижасида талабаларимиз юқори даражадаги танлов ва мусобақаларда фаол иштирок этиб, олдингилар қаторида эътироф этилаётгани жуда қувончли.

Институт талабалари орасида 10 дан ортиқ халқаро тоифадаги спорт устаси, шунингдек, 40 га яқин республика, Осиё ва жаҳон чемпионлари бор.

Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида “Ниҳол” талабалар театр студияси, “Дуторчи қизлар” ансамбли, “Заковат” интеллектуал клуби, “Қўғирчоқ” театри, “Ibrat academy” клуби, “ҚВЗ” клуби ташкил этилган.

2023-2024 ўқув йилида институтда 130 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар фаолият юритдилар. Профессор-ўқитувчиларга яратилган шароитлар сабабли, улар томонидан ўтган бир ўқув йили давомида 105 та дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Мувофиқлаштирувчи кенгашининг рухсат гувоҳномаси орқали чоп этилди.

“Таълим-тарбия назарияси ва методикаси” йўналиши бўйича илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш фаолияти йўлга қўйилди. Институт таркибида олий таълимдан кейинги таълим босқичида 7 та ихтисослик бўйича таянч докторантура ташкил этилди.

Бугунги кунда Урганч давлат педагогика институтида иккита илмий: “Урганч давлат педагогика институти ахборотномаси” ҳамда “Ўзбекистон олимларининг илмий-амалий тадқиқотлари” журналлари фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, институтнинг хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ҳам кенг қулоч ёймоқда. Жумладан, хорижий олий таълим муассасалари билан 30 дан зиёд ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Хусусан, Хитойнинг Шинжон (Синьцзян) университети, Шеньси педагогика университети, Нанкин технологиялар институти, Ланджоу транспорт университети, Жанубий Кореянинг Донгшин университети, Туркия давлатининг Эге университети, Бурдур Меҳмет Акиф Эрсой университети, Нежмиддин Эрбакан университетлари, Озарбайжоннинг Тиллар университети, Озарбайжон давлат педагогика университети, Озарбайжон университети, Озарбайжон қўшимча таълим маркази, Озарбайжон давлат маданият ва санъат университети, Озарбайжон марказий илмий кутубхонаси, Россиянинг Астрахань давлат университети, Новосибирск давлат техника университети, Қозон федерал университети, Доғистон давлат педагогика университети, Беларуснинг Гродно давлат университети, Иордания давлатининг Жадара университетлари билан ҳам ҳамкорлик меморандумлари имзоланиб, ўзаро ҳамжиҳатликда ишлар олиб борилмоқда.

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган “The 2023 UI Gryeyen Metrics World University Rankings” халқаро конференциясида Урганч давлат педагогика институти “The 2023 UI Gryeyen Metrics World University Rankings” ташкилоти ва “Times Higher Education” (“THE”) — университетларнинг халқаро рейтингини баҳолаш ташкилотлари аъзосига айланди.

Институтда ёшларга сифатли таълим бериш билан биргаликда тарбия бериш, уларни миллий урф-одатлар ва қадриятларга муҳаббат, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Институтда ҳар бир байрамни ўзгача тараддуд ва янгиликлар билан нишонлаш анъанаси аллақачон урфга айланган. 2024 йил май ойида Хотира ва қадрлаш куни арафасида маърифатпарварлик намояндалари бўлган жадидларимиз сиймоси ва ҳикматли сўзларини ўзида жамлаган “Жадидлар боғи”нинг тантанали очилиш тадбирлари ўтказилган эди.

Бетакрор Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллик байрами нишонланган сурурли кунларда, шунингдек, 2024-2025 ўқув йили бошида Урганч давлат педагогика институти ҳудудида 7 қаватли 600 ўринга мўлжалланган талабалар турар-жойининг тантанали очилиши нафақат институт жамоасига, талабаларга, вилоятимиз ёшларига ўзгача байрам кайфияти бахш этди.

Талабалар турар-жойининг тантанали очилиш тадбирида Олий таълим, фан ва инновациялар вазири ўринбосари Отабек Маҳкамов, вилоят ҳокимлиги вакиллари, фаоллар, институт жамоаси ва талабалар қувонч, завқу шавқ билан иштирок этдилар.

Йилдан-йилга кенгайиб, бунёдкорлик ишларини амалга оширишга одатланган Урганч давлат педагогика институти жамоасининг келгуси йиллар учун ҳам режалари, мақсадлари жуда катта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 2025 йилда Урганч давлат педагогика институтининг 1000 ўринга мўлжалланган 7 қаватли замонавий янги ўқув биносини қуриш ҳам мақсад қилиб қўйилган.




Ҳамжиҳатлик ва бирдамлик каби азалий ва гўзал қадриятлар макон тутган Янги Ўзбекистон педагогларини ҳеч бир ривожланган давлатлар ўқитувчиларидан кам бўлмаган даражада тарбиялашни ўз олдига мақсад қилган Урганч давлат педагогика институти жамоаси бугун катта марраларни мақсад қилган ҳолда янги ўқув йилига киришди.

Янгиланиш ва ислоҳотлар самара бериб, мактабларимизга иштиёқи баланд педагогларнинг янги авлоди кириб боришида Урганч давлат педагогика институти жамоаси ҳиссаси борлигидан ҳар дақиқада фахр ва ғурур туямиз.

Яна шуни ғурур билан таъкидлашни истардимки, муҳтарам Президентимиз томонидан таълим-тарбия сохасига давлат сиёсати даражасида эътибор, ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Куни кеча юртимизда кенг нишонланган 1-октябрь—Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табриги биз педагогларни ғоятда рухлантириб юборди. Президентимизнинг табригидаги қуйидаги сўзлар эса таълим ва тарбия жамиятимизда муқаддас ишга айланганлигининг исботидир:

“Қўҳна тарих, бугунги ҳаёт тажрибаси барча муаммоларнинг ечими, саволларнинг жавоби фақат ва фақат таълимда, камолот ва бахт эшикларининг калити таълим ва тарбияда эканидан далолат беради.

Барчамиз яхши тушунамизки, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга етишда – жонажон Ўзбекистонимизни эркин ва фаровон, ҳар томонлама обод мамлакатга айлантиришда соҳа ривожини янги сифат босқичига кўтариш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.”

Таълимга, муаллимга берилаётган эътибор шак-шубҳасиз келажакка, миллат равнақига кўрсатилаётган улкан сармоядир. Унинг натижаси элимизни ёруғ манзилларга, юксак довонлар сари бошлайверади.

**Феруза МАДРАҲИМОВА,**
**Урганч давлат педагогика институти ректори,**
**педагогика фанлари доктори.**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРИ

*Академик Саъдулла Искандаровнинг шу номли китоби ҳақида мухтасар мулоҳазалар*

1-б.

Ҳар бир бобда ишлатилган донишмандларнинг ҳикматли фикрлари муаллиф таъкидламоқчи бўлган фикрни янада тушунарли қилган.

Масалан, “Инсонни қадрлаганни тарих улуғлайди” номли еттинчи боб Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг ҳазрат Алишер Навоий ғазалига боғланган мухаммасидан олинган қуйидаги байт билан бошланган:

*Котибу давру рақам аввалгиларга ўхшамас,*
*Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас.*

Ушбу байтни ўқиган китобхон кўз олдида, энг аввало, сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан амалга оширилаётган, инсон қадрини юксалтириш, халқ манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари гавдаланади.

Дарҳақиқат, Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясининг туб мақсади ва негизида мужассам бўлган ғоя ва интилишлар бугунги кунда мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати билан реал воқеликка айланиб бормоқда. Китобни мутолаа қилиш жараёнида бу ҳақиқатни янада чуқур ҳис этамиз, шу билан бирга, мана шундай тарихий ўзгаришлар даврида бу улуғвор ислоҳотларнинг нафақат гувоҳи, балки фаол иштирокчиси бўлиб яшаётганимиздан, албатта, фахрланамиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳар бир инсон Давлат раҳбарининг “Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди”, деган қатъий иродаси ва принципига гувоҳ бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг бугунги янги қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни ва мавқеи, муҳим халқаро ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки, долзарб масалалар бўйича илгари сураётган кўплаб ташаббусларининг мазмун-моҳияти ушбу кенг қамровли, фундаментал асарда чуқур таҳлил ва далиллар, аниқ фикр-мулоҳазалар асосида теран ёритиб берилган.

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев фаолиятининг маъно-мазмунига айланган, кейинги саккиз йил давомида мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг марказида бўлиб келаётган миллий мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу тушунчалар мазкур китобнинг бош ғоясини ташкил этади.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунлардан бошлаб “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади”, деган олижаноб ғоя ва мақсадларни илгари суриб, Ўзбекистондаги катта-кичик барча раҳбарлардан ўз фаолиятини айнан шу мезонлар асосида олиб боришни талаб этди. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда юз берган туб ўзгариш ва янгиланишлар, юртдошларимиз ҳаётидаги ижобий натижалар ана шундай халқпарвар сиёсат самарасидир.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъияти, метин иродаси, одил ва халқпарвар сиёсати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган халқчил ислоҳотлар самараси давлатимизнинг Марказий Осиё минтақаси лидерига айланиб бораётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ҳозирги замоннинг шиддатли ва зиддиятли тараққиёт тамойилларини мураккаб ва таҳликали давр нуқтаи назаридан тушуниш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, келажакка катта ишонч билан қараб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнларида онгли ва бунёдкор фуқаро сифатида муносиб иштирок этишда, янги ватанпарвар авлодни тарбиялашда ушбу асарнинг аҳамияти беқиёсдир.

**Акмал САИДОВ,**
**академик.**



# ҚОЗОҒИСТОННИНГ АЗМУ ҚАРОРИ

1-б.

Референдум участкаларининг умумий сони 10323 тани ташкил этди. Ушбу муҳим сиёсий тадбирда қонунчиликка риоя этилишини 30 давлатдан келган 177 нафар кузатувчи ўрганиб борди.

Дастлабки маълумотларга кўра, овоз бериш ҳуқуқига эга 7 миллион 820 минг 204 нафар қозоғистонлик (электоратнинг 63,66 фоизи) конституциявий ҳуқуқидан фойдаланди. Уларнинг 5 миллион 561 минг 937 нафари (71,12 фоизи) АЭС қурилишини қўллаб-қувватлаган бўлса, 2 миллион 45 минг 271 киши қарши овоз берди. МСК якуний қарорни тегишли муддатда эълон қилади.

Дунё давлатларидан борган кўплаб журналистлар қатори биз ҳам Остона шаҳридаги бир неча овоз бериш участкаларида бўлиб, жараённи бевосита кузатдик. Овоз бериш ҳуқуқига эга аҳоли эрта тонгдан ўзи рўйхатдан ўтган участкага келаётганини кўриш мумкин.

Ногиронлиги мавжуд сайловчиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани сезилади. Хусусан, участкаларда қулайлик яратиш учун пандуслар, тактил белгилари, брайл алифбоси билан жиҳозланган кабиналар, махсус қулоқчинлар ва компьютерлар ўрнатилган.

## Етти ўлчаб бир кесиш зарурати

Президент Қ.Тоқаев жорий йил 2 сентябрь куни бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма йиғилишида глобал энергия танқислиги кучайиб бораётганини ҳисобга олиб, ишончли ва экологик тоза энергия манбалари, хусусан, атом энергетикасини ривожлантириш зарурлигини уқтирган эди.

“Бугунги кунда 30 та ривожланган ва ривожланаётган давлатда 200 га яқин АЭС фаолият кўрсатмоқда. Биз ҳам мамлакатимизнинг узоқ муддатли миллий манфаатлари ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда келажак ҳақида ўйлашимиз керак”, — деган эди Қ.Тоқаев.

Қозоғистон АЭС қуришга азму қарор қилгани бежиз эмас. Мамлакатда 2023 йилда электр энергияси истеъмоли ҳажми 115 миллиард кВт/соатга етган. Ишлаб чиқариш 112,8 миллиард кВт/соат, қўшни давлатлардан импорт ҳажми 3,4 миллиард киловатт/соат, экспорт 1,4 миллиард кВт/соатни ташкил этган. Тўғри, бир қарашда ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида тафовут у қадар катта эмас. Бинобарин, ишлаб чиқаришни бироз оширган ҳолда эҳтиёжни қоплаш мумкиндек. Аммо муаммо шундаки, Қозоғистонда электр энергиясининг асосий қисми (70 фоизи) кўмирни ёқиш орқали олинади. Кўмир эса атроф-муҳит, ҳаво ифлосланишининг асосий манбаларидан экани сир эмас. Боз устига, мамлакатдаги электр энергияси ишлаб чиқарадиган ускуналарнинг 70 фоиздан ортиғи эскирган.




Қозоғистон уран захираси бўйича дунёда иккинчи ўринда, уни қазиб олиш бўйича эса биринчи ўринда туради. Курраи арз бўйлаб аниқланган умумий захиранинг 14 фоизи қозоқ заминида жамланган. Мамлакатда ураннинг тасдиқланган захираси 900 минг тоннадан зиёдни ташкил этади.

“Биз уран қазиб олиш бўйича дунёда биринчи ўриндамиз. Ушбу ноёб энергетик хомашёни руда ёки бирламчи маҳсулот шаклида хорижга сотиш билан чекланмай, уни Қозоғистон халқи келажаги учун, саноат тараққиёти учун сарфлашимиз керак эмасми?” — деди Қозоғистон энергетика вазири Алмасадам Саткалиев ОАВ вакиллари билан суҳбатда.

Мамлакатда АЭС қурилиши, биринчи навбатда, хомашё мўл-кўллиги ва беминнатлиги билан асосланмоқда. Шу билан бирга, энергия балансини диверсификация қилиш анъанавий углеводородларга қарамликни камайтириши, янада барқарор энергия тизимига ўтишга хизмат қилиши таъкидланмоқда.

“Атамекен” миллий тадбиркорлар палатаси бошқарувчи директори Жақип Хайрушев мамлакатда АЭС барпо этилиши энергия хавфсизлигини таъминлаш ва тақчилликни камайтириш учун зарур, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу турдаги иншоотларни қуришнинг дастлабки харажати катта бўлишига қарамай, истиқболда энергия ишлаб чиқаришнинг арзонлиги ва реакторларнинг узоқ муддат хизмат қилиши туфайли АЭСлар иқтисодий жиҳатдан фойдали саналади.

## Мусбат ва манфий қутблар

АЭС қуриш хамирдан қил суғургандек осон кечадиган юмуш эмас, албатта. Иш рисоладагидек ташкил этилмаса, авариялар, ҳалокатлар рўй бериши мумкин. Қозоғистон жамоатчилигини ҳам масаланинг айни шу жиҳати хавотирга солмоқда. Энергетика масъуллари эса АЭС замонавий технологиялар асосида, хавфсизликнинг юқори стандартлари асосида барпо этилиши, хатарларнинг олди олинишига ишонтирмоқда.

Бугунги мураккаб геосиёсий шароитда дунёдаги айрим давлатлар ривожланаётган мамлакатларни технологиялар орқали ўзига қарам қилишга уринаётганини инкор этиб бўлмайди. Сираси, атом энергетикасига оид йирик лойиҳаларда тарозининг бир палласида энергетик фаровонлик турса, иккинчисида иқтисодий суверенитет туради. Бу жиҳатдан ҳақли савол туғилади: Қозоғистон АЭС қурувчи давлатларга технологик жиҳатдан қарам бўлиб қолмайдими?

Расмий Остона АЭС қурилишида пудратчилар наинки иқтисодий омиллар, технологик ишончлилик нуқтаи назаридан ҳам сараланиши керак деган позицияда.

Қозоғистон тўрт давлатнинг катта қувватли реактор технологияларини кўриб чиқмоқда. Лойиҳани амалга ошириш учун “CNNC” (Хитой), “KHNP” (Жанубий Корея), “Росатом” (Россия) ёки “EDF” (Франция) компанияси пудратчи сифатида танланиши мумкин.

Президент Қ.Тоқаев 6 октябрь куни овоз бериш участкасида журналистлар билан мулоқотда АЭС қурилиши учун бир давлат ширкатини эмас, балки илғор технологияларга эга компанияларнинг халқаро консорциумини танлаган маъқул эканини таъкидлади.

Дастлабки хулосага кўра, АЭС учун Олмаота вилоятининг Балхаш кўли қирғоғидаги Улкен қишлоғи танланган. Маълумот ўрнида, бу ҳудуд Тошкент шаҳридан қарийб 800 км масофада жойлашган. Энергетика вазирлиги жойни танлаш бўйича тадқиқотлар МАГАТЭ тавсияларига мувофиқ амалга оширилганини маълум қилган.

Лойиҳани молиялаштиришнинг турли йўллари мавжуд. Бу борада хусусий сармоя, халқаро молия ташкилотлари кредитлари, давлат ғазнаси ва давлат-хусусий шериклик вариантлари кўриб чиқилмоқда.

Жаҳон амалиётига кўра, АЭСда бир неча минг кишилик мутахассислар фаолият юритади. Демак, юксак малакали кадрларни тайёрлаш ҳам кун тартибидаги асосий масала саналади.

Қозоғистон тақдируламал аҳамиятга эга масалада танлов қилмоқда. АЭС қурилиши каби улкан лойиҳалар давлат билан раият ялакат мағиздек жипс бўлишини талаб этади.

**Собир САЛИМ.**

# ДЕМОКРАТИК ОВОЗ БЕРИШ ТИЗИМЛАРИ ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

1-б.

Мандатларнинг бошқа қисми пропорционал сайлов тизими тамойилларига мувофиқ тақсимланади. Овоз бериш тартиби қуйидагича: сайлов участкасида сайловчи иккита бюллетень олади. Шунга кўра, номзод иккита овозга эга: бири сиёсий партияга, иккинчиси маълум бир сайлов округида қатнашадиган аниқ номзодга. Амалдаги сайлов тизимлари тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу тизим сиёсий барқарорликка эришишда янада демократик ва самаралидир.

Қонун чиқарувчи ҳокимият органларини шакллантиришда сайлов кампанияси алоҳида ўрин тутади.

Сайлов кампанияси мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бундай кампаниялар давомида ҳал қилинадиган вазифалар жуда кўп ва хилма-хилдир.

Сайлов кампанияси шахснинг сайланган лавозимга сайланиш нияти тўғрисида расмий баёнот билан бошланади, гарчи сайловолди фаолияти анча олдин, баъзи масалалар ҳал қилинганда бошланади: сайловда ғалаба қозониш эҳтимоли, сайловчиларнинг қўллаб-қувватлаш даражаси, манбалари сайлов кампаниясини молиялаштириш, қўллаб-қувватлаш гуруҳининг имкониятлари аниқланади ва ҳоказо.

Бундай ҳолда, ҳатто соф техник, расмий масалалар ҳам муҳим роль ўйнайди, масалан, ариза берилган вақтни танлаш, нутқ сўзланадиган жой, нутқ пайтида депутатни ўраб оладиганларни танлаш, қандай воқеа бўлиши тўғрисида қарор аризадан кейин дарҳол ўтказилади.

Номзоднинг сайлов кампаниясига қўшилиши тўғрисида расмий эълон қилинганидан сўнг, кенг кўламли сайлов кампанияси бошланади, у уч босқичдан ўтади, уларнинг ҳар бири ўз вазифаларини ҳал қилади.

Сайлов кампаниясини, айниқса, бугунги кунда кенг кўламли оммавий ахборот воситаларисиз ўтказиш мумкин эмас. 80-90 йиллардаги ахборот инқилоби электрон воситалардан фойдаланишда янги имкониятлар яратди.

Аксарият ва мутаносиб сайлов тизимлари ўзларининг афзалликлари ва камчиликларига эга.

Кўпчилик тизимининг афзаллиги шундаки, у самарали ва барқарор ҳукуматни шакллантириш учун имкониятлар яратади, чунки бир партияли ҳукуматларни тузадиган йирик, яхши ташкил этилган партиялар сайловларда ғалаба қозонади. Амалиёт шуни кўрсатадики, шу асосда яратилган ҳокимият органлари барқарор ва қатъий давлат сиёсатини амалга оширишга қодир.

Лекин ушбу тизимнинг камчиликлари ҳам мавжуд.

Пропорционал тизимнинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдами билан шаклланган ҳокимият жамиятнинг сиёсий ҳаёти, сиёсий кучларнинг уйғунлиги ҳақида ҳақиқий тасаввурни тақдим этади. У сиёсий плюрализм ва кўппартиявийлик муносабатларини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган давлат ва фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасида қайта алоқа тизимини тақдим этади.

Бироқ ушбу тизимнинг ҳам камчиликлари бор. Пропорционал тизимнинг камчиликлари аниқ ва аҳамиятли, шунинг учун тизимнинг ўзини ўзгартириш орқали уларни йўқ қилишга кўплаб уринишлар мавжуд.

Ҳар бир мамлакатнинг мутаносиб вакиллик тизими ўзига хос хусусиятларга эга, бу унинг тарихий тажрибаси, ўрнатилган сиёсий тизими ва бошқа ҳолатларга боғлиқ. Гарчи барча мутаносиб тизимлар мутаносиб вакилликка эришишни мақсад қилган бўлса-да, бу мақсад ҳар хил даражада амалга оширилади. Шунинг учун жаҳон амалиётида мутаносиб сайлов тизимларининг уч тури бор.

Булар: мутаносиблик тамойилини тўлиқ амалга оширадиган тизимлар; мутаносиблик етарли бўлмаган сайлов тизимлари; берилган овозлар ва олинган мандатлар ўртасида мутаносибликка эришса-да, айрим сиёсий кучлар вакилларининг парламентга киришига турли тўсиқларни таъминлайдиган тизимлар.

Бундан ташқари, бир қатор мамлакатларда сайлов чегараси деб аталадиган чегара мавжуд, яъни парламентда вакиллик қилиш учун ҳар бир партия рўйхати тўплаши керак бўлган максимал овозларнинг маълум фоизи. Бунга Россия ва Германиянинг сайлов тизимлари мисол бўла олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида замонавий сайловчи бозор қонунларига мувофиқ ҳаракат қилади. У турли партиялар томонидан таклиф қилинган дастурлардан ўзининг иқтисодий ва сиёсий манфаатларига энг мос келадиганини танлайди. Шунга кўра, у “доимий бўлмаган” сайловчига айланади. Ўйлаймизки, 27 октябрда Ўзбекистонда ўтказиладиган аралаш сайловлар жаҳон демократик андозаларига тўла мос келади.

**Рустам ЖУМАЕВ,**
**ЖИДУ ҳузуридаги Дипломатик академия декани.**
**(ЎзА).**

**ФАОЛИЯТ**




**Соҳибқирон Амир Темур миллатимиз тарихида алоҳида ўрин тутган, эъзозу эҳтиромларга сазовор буюк сиймодир. У яшаган даврни тарихимизнинг олтин даври деб атаймиз, ушбу даврда иккинчи Ренессанс жараёни рўй берди.**

**Мамлакатимиз мустақиллигидан кейин тарихимизни янгидан ўрганиш, унга янгича назар билан қараш каби улуғ маданий жараён бошланиб кетди. 1996 йил 14 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро Амир Темур жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Халқаро Амир Темур жамоат фонди илк бора ўша йили — Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ташкил қилинган бўлса, мана бугун “Халқаро Амир Темур жамоат фонди” номида фаолият олиб бормоқда.**

# ҲАМКОРЛИК, ТАШАББУС ВА ЭЗГУ ЛОЙИҲАЛАР

Фонд бугунгача жуда кўп машаққатли даврни бошдан кечирди. Эркини энди қўлга киритган навниҳол Ватаннинг ўтмиш ҳақиқатларини тиклаш Фондга ҳам, олимларга ҳам осон бўлмади. Изланишлар натижасида тарихимизнинг янгидан-янги қатламлари очилиб бормоқда. Бу эса халқимизни янада хушнуд этмоқда.

Бугунги кунда Халқаро Амир Темур жамоат фонди Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан бевосита ҳамкорлик асосида, баҳамжиҳатликда фаолият олиб боради. Айниқса, Президентимиз томонидан 2024 йил 26 августда имзоланган “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазкур йўналишдаги ишларимизнинг такомиллашуви ва янада юксалишига кўмак беради.

Мазкур ҳужжатга кўра, Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини қўшиб юбориш ва уларнинг негизида Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги алоҳида бўлинмалари ташкил этилиши ҳамкорликдаги ишларимизни янада мустаҳкамлайди. Негаки, Жамоат фонди каби Халқаро Амир Темур жамоат фондининг ҳам ҳар бир вилоятда бўлими ишлаб турибди. Жойлардаги вакилларимизнинг таклиф ва ташаббуслари эса ҳамкорлигимизга янада мазмун-моҳият бахш этади.

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг беғараз кўмаги, эътибори туфайли маълум тадбирлар амалга оширилмоқда, илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Хусусан, ўтган йили Шарафуддин Али Яздий қаламига мансуб “Зафарнома” китоби нашр этилди. Бу китоб Соҳибқирон бобомиз ҳақида ёзилган китоблар ичида энг ишончли манбадир. Китоб тақдимотида кўп тарихчилар, ёзувчилар, олимлар, ҳарбийлар вакиллари иштирок этдилар. Амир Темур ҳаётига бағишланган “Соҳибқиронга эҳтиром” номли шеърлар, достонлар, публицистик мақолалар бўйича халқаро танлов ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ижодкорлари қатнашдилар. Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Самарқанд ва Тошкент шаҳрида халқаро конференциялар уюштирилди. Мактаб ўқувчилари орасида “Амир Темур — менинг бобом” номли иншолар танлови ҳам жуда жонли ва қизиқарли ўтди. “Амир Темур ва Темурийлар даври сиймолари” рукнида “Амир Темур солномаси”, “Султон Ҳусайн Мирзо”, “Соҳибқирон ёди”, “Иброҳим Султон”, “Амир Темур ва Темурийларнинг молия ва пул сиёсати” номли бир қанча Амир Темур даври ва ҳаётига оид қизиқарли китоблар нашр этилди. Режалар кўп.

Фонд бугунги кунда ҳам янги даврда янгича руҳият билан ишлашни давом эттирмоқда. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, ҳали ўзбек тилида нашр этилмаган, Амир Темур ҳақида ёзилган илк тарихий китоб — Ғиёсуддин Али қаламига мансуб “Ҳиндистон юриши кундалиги” китоби форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашриётга топширилди. Шунингдек, “Амир Темур сабоқлари” номли китоб икки тилда — ўзбек ва инглиз тилларида босиб чиқариш учун нашрга берилган.

Буларнинг бари Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг кўмаги асосида амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг номи юқорида қайд этилган фармонидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, нодавлат ташкилотлар, фондларнинг иши янада самара бериши муқаррар.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Халқаро Амир Темур жамоат фонди раиси,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

# ОНА ВАТАН БОҒЛАРИ — ЮРТ КЎРКИ

1-б.

Давлатимиз раҳбарининг ўнга яқин фармон ва қарорлари, хукумат дастурларига мувофиқ, намунали боғ ва яшил ҳудудларни ташкил этишнинг хуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонунига асосан, маданият ва истироҳат боғлари маданий-маърифий ташкилотлар рўйхатига киритилган. Ҳуқуқий ҳужжат билан соҳага бозор механизми, хусусан, давлат-хусусий шерикчилик механизмини жорий қилиш институти татбиқ этилди.

## “ЯШИЛ МАКОН” ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИ

Соя-салқин, сўлим гўшага кирганда, баҳридили очилиб, кайфияти тоғдек кўтарилмайдиган киши бўлмаса керак. Ўзига хос шаклу шамойилда барпо этилган боғ, аввало, ўсимлик олами билан сизни мафтун этади. Кўкка бўй чўзган дарахтми, йўлак бўйлаб бир текис кўкартирилган бутами, оқ, қизил, пушти, сариқ атиргулми, барибари инсоннинг табиат билан азалий дўстлиги ифодаси, аслида. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги мутахассислари томонидан маданият ва истироҳат боғлари санитария ҳолатини яхшилаш, ҳар бир ўсимлик турини асраб-авайлаш, яшил ҳудудни кўпайтириш бўйича назорат-рейд тадбирлари ўтказиб борилмоқда. Рақамлаштириш жараёнига илк бор Тошкент шаҳридаги дам олиш масканларида киришилди. “Яшил макон” электрон платформасида ҳар бир дарахт ва бутанинг паспорти шакллантирилиб, ID рақами берилмоқда.

– “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида эксперимент тариқасида Тошкент шаҳри ҳудудидаги дарахтларни паспортлаштириш белгиланган, – деди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти директори Ҳамза Аминов. – Паспорт нима, деган савол туғилади. Худди фуқаро паспорти каби унда ўсимлик нави, ватани, экилган санаси, бўйи ва бошқа биологик хусусиятлари акс эттирилади. Ҳозирча пойтахтимиздаги 17 боғнинг дов-дарахти паспорти яратилди. Умумий ҳисобда 10246 дарахт хатловдан ўтказиб, тури, ёши, бўйи, ҳолати, кўкариб турган координатасини акс эттирувчи маълумотлар базасини шакллантирдик. Кейинги йиллардан бошлаб барча вилоят ва туман дам олиш масканлари флора бойлиги бўйича худди шундай электрон базани яратиш мўлжалланмоқда.


Боғ деганда кўз ўнгимизга шовуллаган дарахтзор, гулу буталар, яшиллиги билан кўзни қамаштирувчи майдон кўз ўнгимизга келади. Атроф-муҳит мусаффолигини, биологик хилма-хилликни таъминлашда ҳар бир дарахт ёки бутанинг ўз ўрни бор. Статистик маълумотларга кўра, 2023-2024 йилларда республикамиздаги аҳоли истиқомат жойларида ҳокимлик, вазирлик ва идораларнинг 257 та яшил макони барпо этилиб, умумий сони 517 тага етказилди. Ҳудудларда ташкил этилаётган Янги Ўзбекистон боғларига 135 минг туп манзарали дарахт кўчати ўтқазилди.

— Мамлакатимиздаги мавжуд маданият ва истироҳат боғларида маҳаллий навлар билан бир қаторда хориждан келтирилган ноёб ўсимлик турлари ҳам ўстирилмоқда, – деди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги давлат экологик назорат инспекцияси бўлим бошлиғи Нодир Жамбулбоев. – Уларни ўзимизга мослаштириш осон кечмаган, қанча маблағ сарфланган, илмий изланиш олиб борилган. Шундай экан, ҳар бир дарахт, бута, гулни кўз қорачиғидек муҳофаза қилиш, ёз жазирамасида тез-тез суғориш, қуриб қолишига йўл қўймаслик боғ маъмуриятининг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи керак. Вазирлигимиз томонидан боғ масъулларига мажбурий кўрсатма ва огоҳлантириш хатлари берилиб, ижроси назорат қилиб борилмоқда. Баъзи ҳолларда экилган янги кўчатга агротехник ишлов берилмаслиги оқибатида қуриб қолади. “Яшил макон” умуммиллий дастури қабул қилиниб, юртимиз чиройига чирой қўшишдек эзгу мақсадга нисбатан бундай муносабатнинг пайдо бўлишини умуман оқлаб бўлмайди. Жорий йилда флора оламини муҳофаза қилиш ва сақлашга доир қонунчиликда белгиланган чораларни кўрмаган 739 юридик шахсга нисбатан 2 549 миллион сўмлик жарима чораси қўлланилган. Келгусида назорат жараёни янада кучайтирилиб, ҳар бир дарахтнинг униб-ўсиши, гуркираб ривожланиши учун барча имкониятлар ишга солинади.

## БОҒ ХОДИМИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ

Маданият ва истироҳат боғи ходими турли учиш мосламаларини ишлатади. Мураккаб тузилишдаги аттракционлар эҳтиётқорликни, хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни талаб этади. Кутилмаганда рўй берган техник носозлик ходимни ҳам, дам олувчиларни ҳам ҳадиксиратиб қўяди. Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун амалиётга жорий қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ҳар бир боғ маъмурияти хабардор бўлиши керак. Бундан ташқари, дам олиш масканида тунги ёриткичлар ўрнатилгани хавфсизлик бўлишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йилда қабул қилинган “Боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи бу борадаги муҳим ҳужжат бўлиб, уни бугунги кун талаблари бўйича янада такомиллаштириш зарурияти кескин сезилмоқда.





Ғузор, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши туманлари аҳолиси учун ҳам хизмат қилмоқда. 12 та йирик ва 11 та кичик аттракцион, 300 кишилик амфитеатр, спорт майдончалари, хуллас, барчаси муҳайё. Боғ ҳудуди кўкаламзорлаштирилган ва сунъий майсазорни артезиан қудуғи орқали суғориш тизими йўлга қўйилган. Чинор, павлония, тол, каштан каби манзарали дарахтлар парваришига боғбонларимиз масъул. 6 та доимий иш ўрни яратилиб, ходимлар ўртача 2-2,5 миллион сўм ойлик маош олмоқда, – деди мазкур маданият ва истироҳат боғи раҳбари Шаҳзод Ҳусаинов.

Барча қулайликлари яратилган маданият ва истироҳат боғини бунёд этишга катта маблағ сарфланади. Агар уни тадбиркор қурмоқчи бўлса, катта пул тикади ва сарфлаган сармоясини “чиқариб” олиш учун ҳар бир хизмат турини пулли қилади. Ривожланган давлатларда, хусусан, Лондон шаҳрида ҳар бир қадам яшил объект. Майсазорга гиламча тўшаб олган кишилар оилавий ёки жамоавий дам олаётганини кўриш мумкин. Турли аттракцион ва каруселлар ўрнатилган катта-катта боғларга боришга ҳамманинг ҳам вақти, имкони йўқ. Уй олдидаги яшил майдон қулай, бечиқим, исталган пайтда табиат инсонга бағрини очади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” умуммиллий давлат дастури замирида худди шундай эзгу мақсад ифодаланган. Бунинг учун елиб-югуриш, бир ёқадан бош чиқариб, тер тўкиш керак. “Тошкент-Шарқий” аэродроми яқинида фақат дарахтзор ва гуллардан иборат 155 гектарлик дендропарк бунёд этилаётгани, унинг ёнида 160 гектарлик майдонни ишғол этган Олимпия шаҳарчасининг барпо этилиши шундай эзгу ташаббуснинг ёрқин намунаси. 2025 йилда ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларини айнан шу манзилда ўтказиш ният қилинган. Ажаб эмаски, яқин ўн йилликда Ўзбекистоннинг шаҳар ва туманларида халқимизнинг маънавий эҳтиёжларига йўналтирилган янгидан-янги боғ-роғлар яна ҳам кўпаяди.

## ОЛИС ЧИРОҚЧИДА КЎНГИЛОЧАР МАСКАН

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани Ўзбекистон харитасидаги энг олис ва чекка жой бўлиб, шимолда Самарқанд вилоятининг Нуробод ва Пастдарғом, ғарбда Косон, шарқда Шаҳрисабз ва Яккабоғ, жанубда Қамаши, Ғузор ва Қарши туманлари билан чегарадош. Чироқчи маҳалла ва қишлоқларида 270 минг аҳоли истиқомат қилади. Турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб, вилоят иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган меҳнат аҳли учун кўнгилочар маскан бунёд этилиши керак эди.

Туман марказида умумий майдони 2,52 гектарлик маданият ва истироҳат боғининг барпо этилиши Чироқчи инфратузилмасини буткул ўзгартириб юборди. 2016 йилда фойдаланишга топширилган боғ май ойидан октябрга қадар дам олувчиларни ўзига чорлабгина қолмай, туман миқёсида ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий тадбирлар иштирокчисига ҳам айлантирмоқда. Наврўз, халқаро болаларни ҳимоя қилиш, ёшлар куни, мустақиллик, ўқитувчилар ва мураббийлар байрамида ўтказилаётган тадбирлар бу гўшани файзга тўлдирмоқда.

— Янги боғ ўрнида мослаштирилган ошхона, эски маиший хизмат кўрсатиш уйи, ошхона ва “Мотамсаро она” ҳайкали бор эди. Замонавий типдаги маданият ва истироҳат боғини қуриш лойиҳаси пухта ишлаб чиқилиб, шу асосда умумий қиймати 2,5 миллиард сўмлик иншоот давлат-хусусий шериклик тамойилига мувофиқ, икки йил ичида қуриб битказилди. Бу маскан нафақат чироқчиликлар, балки қўшни

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

# ОАВ ВАКИЛЛАРИ “ЕТТИ ПИР”НИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими фаолиятида ОАВ вакилларини, айниқса, фахрий ва ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш, уларни юртимизнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий қадамжолари билан яқиндан таништириш мақсадида саёҳатлар уюштириш, медиа-турлар ўтказиш анъанага айланган.**

“Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” бирлашган газета таҳририяти ходимлари ҳамда уюшманинг бир гуруҳ аъзолари кўҳна Бухоро заминидаги “Етти пир” мажмуасини зиёрат қилишлари учун вилоят ҳокимлиги ҳомийлигида саёҳат уюштирилди.

Саёҳатчилар тарихий обидалар, хусусан, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитоний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мақбараларини зиёрат қилиб, бу улуғ сиймоларнинг бой илмий ва маънавий мероси ҳақида кенгроқ маълумотларга эга бўлдилар.

— Бундай саёҳатлардан мақсад журналистларни юртимиз тарихий обидалари билан яқиндан таништириш, аллома бобокалонларимизнинг ҳаёти ва ижодига оид билимларини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, ўша ҳудуднинг маданияти, урф-одатлари, қадриятларини ўрганиши баробарида ёшларнинг миллий ғурурини ошириш, – деди “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти бош муҳаррири, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Бобоқанд Умаров. — Шу билан бирга, ички туризмни ривожлантиришда ҳам биз – журналистлар ташаббускор бўлишимиз керак.





# ЖУРНАЛИСТ ҚАЛБИ ДОИМ УЙҒОҚ

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилоят бўлими раиси в.в.б. Шамшод Очилов, Уюшма мутахассислари ҳамда “Бухоро шифокори” газетаси муҳаррири Саидбурҳон Қодиров устоз журналистлардан бири – Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Иззатулла Ҳожиев хонадонида бўлишди.**

И.Ҳожиевнинг илк мақолалари ўқувчилик давриданоқ матбуотда чоп қилина бошлаган. У илк фаолиятини таҳририят таклифига кўра Когонда бошлаган эди. У шаҳар ва туман газеталари жамоаларидаги устозлардан журналистика сир-асрорларини қунт билан ўрганди. Кейин “Бухоро ҳақиқати” нашрида, “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарининг Бухоро вилояти бўйича мухбири вазифасида сидқидилдан меҳнат қилди. Фаолияти давомида кўплаб ижодий танловларда қатнашиб, ғолиб бўлди.

Иззатулла Ҳожиевнинг изланувчан, фидойи меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган.

Устоз хонадонидаги мураббий ва шогирдлар суҳбатида ҳам Уюшманинг вилоят бўлими фаолияти ривожи борасидаги фикр-мулоҳазаларга алоҳида эътибор қаратилди.

# ЯНГИ КИТОБ: “САМАРҚАНДГА БОРСАМ МЕН АГАР...”

**Абдурауф Қоржовов — пайариқлик моҳир публицист, тажрибали мухбир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

**У кўп йиллар “Ўзбекистон овози” (“Совет Ўзбекистони”) газетасида ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Ахборот” дастурида фаолият юритган. Шунинг учун ҳам Абдурауф Қоржововни кўпчилик танийди.**

Афсуски, у қалами айни қайралган, ўткир мавзуларда мақолалар ёзаётган чоғида, шу йилнинг май ойида 68 ёшида вафот этди. Абдурауф ака ўша пайтларда қўлингиздаги “Самарқандга борсам мен агар...” китобини ёзишни бошлаган эди. Ҳамкасблари — “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири, ходимлари ва дўстлари унинг ушбу китобини охирига етказишди. Китоб яқинда ўзи танлаган сарлавҳа билан Тошкент шаҳридаги «SAHHOF» нашриётида босмадан чиқди.

Китобдан муаллифнинг “Янги Ўзбекистон” газетасида чоп этилган сара мақолалари жой олган. Бу мақолалар уни ўқиган ҳар қандай киши Абдурауф Қоржововнинг журналистика соҳасидаги маҳоратини ҳис этади. Муҳими, ушбу рисола иқтисодий мавзуда мақола ёзишни ният қилган ёш мухбирлар учун қўлланма вазифасини ўтайди.




# ЧЎЛПОН УЙ-МУЗЕЙИГА САЁҲАТ



**Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 126 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Андижон вилояти бўлими томонидан Чўлпон уй-музейига саёҳат ташкил этилди.**

Музейга киришдан олдин фахрий журналистлар, вилоятда фаолият юритаётган ОАВ ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари Абдулҳамид Чўлпон ҳайкали олдида тўпланиб, машҳур шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр алмашдилар. Сўнг музей илмий ходими Камолиддин Маматқулов меҳмонларни ичкарига бошлаб, уларга ҳар бир экспонат ҳақида қисқача гапириб берди. Журналистлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Саёҳат якунида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолари Ҳабиб Сиддиқ “Нимкоса”, Умида Эгамбердиева “Бир аёлки”, Соҳибахон Ҳошимова “Ёркишлоқликлар” ва “Мўътабар сиймолар”, ёш ижодкор Муҳаммадрасул Маматқулов “Баҳор қайтди” китобларини музейга совға қилди.

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.**

МУТОЛАА




**Бу китоб тасодифан қўлимга тушди. Июннинг боши эди, чамамда. Ёзувчилар уюшмасида “Маърифат улашиб” лойиҳасида қатнашганларни тақдирлаш маросими ўтказилиб, ижодкорларга Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг ташаккурномаси ва китоб тарқатилди. Тадбирдан сўнг оғаларим — ёзувчи Нормурод Норқобилов, шоир Очил Тоҳир билан “Адиблар хиёбони” томон юрдик. Нормурод ака қоғоз халтани очиб, бир китоб олди. Муқовага тикилиб турган адибга тақлидан секин кўз ташладим. Норқобил Жалилнинг “Кўнгилдан кўчирмалар”и экан. Бирга ишлаганим учун ҳаддим сиғиб Нормурод аканинг қўлидан тутдим.**

# “КЎНГИЛ КЎЧИРМАЛАРИ” КЎНГЛИМДАН ЖОЙ ОЛДИ

— Ака, алмашайлик, илтимос. Менда Йўлдош Эшбек бор...

Оғиркарвон Нормурод ака қўлимдаги қоғоз халтага қараб туриб, “Майли...” дегандек ноилож бош иғади.

Таниқли муҳаррир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Норқобил Жалил билан телевидениеда ишлаганимиз учунми ёки китоб номи ўзига тортганиданми — йўл-йўлакай варақлаб қўяман.

2020 йилда чиққан бу китобни кўрмаган эканман.

Дунёда қоғозга кўчмайдиган бир суврат бор — кўнгил суврати. Бу сувратни қўшиқ қилиб айтиш мумкин, шеър ё ҳикоя қилиб ёзиш, расм қилиб чизиш мумкин, аммо уни тўлиқ тасвирлаб бўлмайди. Кўнгил қурғур ҳамиша олис манзилларда — гап уқмас болаликдами, нодон ўсмирликдами қолиб кетади. Инсон бир умр ана ўша бегидир кўнгилни излаб, унга интилиб яшайди. Норқобил Жалилнинг китоби ана шу излам маҳсули!

Иш юзасидан ҳар хил китоб варақлашга тўғри келади. “Тепа”нинг топшириғи ўлароқ ёзилган китоблар базўр ўқилади. Қалб буюртмаси билан дунёга келган китоблар эса хотирага чиппа ёпишади. “Кўнгилдан кўчирмалар” ана шундай безовта қалб нидоси. Ғамгин ва унутилмас хотираларни ёзган улкан юракка тасанно! Йиғлаб битилган саҳифалар йиғлаб ўқилади. Китобни мутолаа қилган ўқувчи одам боласи ҳаётнинг кўп ҳақиқатларини жуда кеч англашига иқрор бўлади.

Салкам қирқ йиллик ғамгин ва унутилмас хотираларни ўқиб, эринмасдан хотира дафтар тутган муаллифга ҳавасим келди. Тошкентда улоқиб юрган мусофирларга таниш бир ҳолатни ижодкор шундай тасвирлайди: “Қишлоққа борсам, уйга сиғмасдим. Дўстлар билан кетиб қолардим. Ярим тунда кириб келсам, отам ухламаган бўларди. “Келдингми?” деб қўярди... Уч кун-тўрт кун шундай алфозда ўтарди. Кейин қайтишимда...

Бир оғиз сўраган гапи “Пул-мулинг борми?” дерди. Мен эса сокин овозда: “Етади, бор”, дердим. Кулимсираб: “Манавини олиб қўй”, дея эски қопчиғи-блокнотини очиб, ичидан пул узатарди. Мен бўлсам: “Ота, нима қиласиз, керакмас”, десам-да, “Болам, бизнинг пулимиз табаррук, баракали, олавер”, деб қўярди...

Ўша гапларини эсласам...

Ҳозир шу воқеаларни йиғлаб ёзяпман. Сиёҳли ручкамнинг сиёҳи тугабди. Шу рангни яхши кўраман, кўзимга ёқади. Лекин кўзимнинг сиёҳи қуримабди...”

Соғинч ва хавотир зўридан эрталабгача ухлаёлмай чиққан отанинг фарзандини кўриб йиғлаганлари...

Муаллиф ҳикоя қилган изтиробли, эзгин воқеалар меҳр-оқибат, хотира ва соғинч бемисл кучлигига, хотира одамни гоҳида бўлакларга бўлиши, гоҳида улкан қудратга эвириши мумкинлигига далолатдек туюлди.

“Ака, қачон келасиз? Укамлар сизни ҳар куни кутади. Автобус келса, югуриб чиқамиз. Яқинда бораман, дебсиз, қачон келасиз, ўзи?!” деган сатрлар мусофирлик нонини еганларни ҳамиша ҳаяжонга солади. Чунки ҳар бир оға Норқобил Жалил каби ўз тиловчилари —зулхуморлардан ана шундай ичиккан хатлар оларди. Ҳа, қоғозга тўкилган соғинчлар кўнгилларни сассиз бўзлатарди. Муаллиф айтмоқчи, зилзамбилдай соғинчини ичига ютиб, кўзёшсиз йиғларди одамлар.

Китобда ўр қаламкашнинг сермашаққат ҳаёт йўли акс этган. Бир ўзбек оиласи, қолаверса, зиёлиси бошидан ўтган адоқсиз ташвишлар, айрилиқ, ситам ўқувчини бефарқ қолдирмайди. “Отам ва акамнинг раъйига қарши бориб, энг гуллаган ҳаётимда кўп нарсаларни бой берганимни пойтахтга келганимдан кейингина англадим. Хайрият, бу тегирмондан жонимнинг ярим бўлагидан кечиб бўлса-да, омон чиқдим...” деб ёзади ҳамкасбимиз.

“Кўнгилдан кўчирмалар”, муаллиф таъбирича, кимнингдир юрагига малҳам, кимларгадир ҳаёт сабоғи.

**Олим ТОШБОЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

ЁД ЭТИБ

# ОҚИБАТ МАКТАБИ

## ёки журналистларнинг садоқатли дўсти Муртазо Султоновни эслаб...

**Салкам ярим асрлик журналистлик фаолиятимда турфа хил кишилар ҳақида очерклар, эссе ва мақолалар ёздим. Касбим туфайли жуда кўп дўстлар топдим. Умримнинг паст-баланд йўлларида қувонганимда қувонадиган, қайғуга ботганимда қайғурадиган меҳрибонларни учратдим. Кўп бўлмаса-да, елкани елкага қўйиб дардлашадиган садоқатли инсонлар тафтидан баҳраманд бўлдим. Ана шундай меҳридарё инсонлардан бири — Муртазо Султонов (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) эди.**

Яхшиликни очиқ чеҳралардан кутинг, деган ҳадис бор. Муртазо аканинг юз-кўзларидан нур ёғилиб турар эди. Бу ҳам Аллоҳнинг инояти бўлса керак. Одамларга фақат яхшиликни раво кўрадиган қалб эгаси эди.

У киши билан “Ўзбекистон овози” газетасида ишлаган давримда танишгандим. Таҳририятга тез-тез мақола олиб келарди. Маориф ва халқ таълими тизимида вазир ўринбосаригача бўлган лавозимларда ишлаб, катта мавқега эришган бўлса-да, табиатан кўнгли очиқ, камтар одам эди. Айниқса, биз журналистлар билан бағрини очиб кўришар, байрамларда, айниқса, касб байрамимиз ва қувончли кунларимизда, албатта, йўқлаб келарди. Қутлуғ уйга қуруқ кирмайдиган қўли очиқ, инфоқ-эҳсони кучли инсон эди. Шу боис, у киши билан жуда кўп давраларда ҳамсуҳбат бўлганман. Қарийб ўттиз йилдан ортиқроқ билган бўлсам-да, одамларни ғийбат қилганини эслай олмайман. Фақат яхшиликлардан сўзлар эди. Муртазо ака бу хислати билан устозим, таниқли адиб, “Ўзбекистон овози”га қарийб 20 йил раҳбарлик қилган Мақсуд Қориевга ўхшаб кетардилар.

У матбуотга меҳр қўйган, республикада чиқадиган газета-журналларни мунтазам ўқиб борадиган, мутолаа қилиб хуморини босадиган зиёли, маърифатли муаллим эди. Ўзига қадрдон билиб, газеталарда чиққан мақолаларимга муносабат билдирар эди.

Инсон кексайган сари турли хасталиклар



ортидан қувиб юрар экан. Муртазо ака ҳам ҳаётининг сўнгги тўрт-беш йилини оғир хасталиклар билан курашиб ўтказди. Ҳатто ойлаб касалхоналарда ётиб, даволаниб юрди. Биз журналистларнинг оқибатли қадрдони бўлгани боис, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шуҳрат Жабборов билан устознинг ҳолидан хабар олгани тез-тез бориб турардик, узоқ суҳбатлашардик. Гарчи касалхонада ётган бўлса-да, доимо янги газеталарни олиб ўқирди. Айниқса, “Халқ сўзи”, “Hurriyat”, “Маърифат”, “Ўзбекистон овози” каби газеталарни алоҳида синчиклаб мутолаа қиларди.

Муртазо ака гулни яхши кўрарди. Касалхонадаги у ётган хонада доимо бир қучоқ анвойи гуллар бўларди. Даволайдиган шифокорларга ҳам гул совға қиларди. У ширин сўзи-ю бир қучоқ гули билан кўнгилларни обод қилар эди. Тўй-маъракаларда дўстларининг ёнида турарди. Айниқса, бошига иш тушиб мушкул аҳволда қолган, бетоб бўлиб касалхонага тушган, хонадонида таъзия бўлган дўсти биродарлари ҳузурига бориб, руҳий далда берар, ҳамдардлик билдирар эди. Ҳатто кексайиб, саксонни қоралаб қолганига қарамай, жуда ғайратли одам эди. Ҳечам ёдимдан чиқмайди: Катта қизимнинг никоҳ тўйи куни қалин қор ёғиб, совуқ бўлганди. Шундай об-ҳавода ҳам набирасини етаклаб, тўйхонани файзга тўлдириб Муртазо ака кириб келганди.

Айниқса, ёшинг бир жойга бориб қолганда Муртазо акага ўхшайдиган дилкаш инсонларни кўнгил қўмсаб қолар экан.

Муртазо ака кийиниш маданиятини ҳам маромига етказарди. Ташқи кўринишга қарайдиган юзаки, иккиюзламачи дўстларини синаганини кулиб эсларди. Бир сафар танишининг тўйига соқолларини олмай, эскироқ кийимда бориб қолибди. Доим қучоқлашиб кўришадиган дўстлари ўзини секин чеккага олиб қочибди. Шундан сўнг тўйга кирмай уйига қайтиб бориб, чиройли костюм-шимини кийиб, бўйинбоғини боғлаб келибди. Ҳалигина уни хушламай турганлар қаторлашиб саломлашишга ошиқиб қолган экан. Шу боис ўзига ўхшаб дид билан кийинишни бизларга тайинларди.

Юқорида айтганимиздек, умрининг охирги йилларида Муртазо ака оғир хасталиклар билан узоқ ётиб қолди. Бир сафар Аҳмаджон Мелибоев, Шуҳрат Жабборов учовимиз уйига у кишини кўргани бордик. Келинойи бизларни меҳмонхонага таклиф қилди. Бу хонадонда кўп туз ичганмиз. Муртазо ака ҳадеганда чиқавермади. Ҳар хил хаёлларга бордик. Орадан маълум вақт ўтгач, соқоллари олинган, костюм-шим, оқ кўйлак, галстукда чиқиб келди, гўё тўйга кетаётгандек. Ўшанда узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Аҳмаджон аканинг ҳам роса қулфидили очилди. Уч соатдан ортиқ гаплашсак ҳам, Муртазо акага камдек туюлаверди. “Яна оз-моз ўтиринглар, бу кунлар ҳам ғанимат”, деб ҳечам жавоб бергиси келмади. Биз эса беморни уринтириб қўймайлик, деб жонимиз ҳалак эди. Инсоннинг дардини инсон олар экан. Муртазо ака тузалиб қолгандай эди... Энди эсласам, у билан охирги кўришишимиз бўлган экан...

Ўқитувчи ва мураббийлар куни Шуҳрат Жабборов билан раҳматли Муртазо Султонов истиқомат қилган, биз учун қадрдон бўлиб қолган хонадонга Маҳфуза келин ойимизни йўқлаб бораётгандик. Бахтни қарангки, маҳалласида Муртазо аканинг қадрдон қўшниси, таниқли олим, тиббиёт фанлари доктори Саидакром Ҳасановни учратиб қолдик. Мақола тайёрлаётганимни эшитиб севиниб кетди.

— Муртазо Султонов маҳалламиз кўрки эди, — дейди Саидакром ака. — Маҳалла аҳли учун беҳисоб саховат қилиб юрарди. Сизга раҳмат, ука, савоб ишга қўл урибсиз. Мақолангиз газетада чиққанда хабар берсангиз, маҳалладошларимга уни ўқиб бераман. Улар ҳам жуда хурсанд бўлишади.

Муртазо Султонов яшаган уй қўнғироғини босаман.

Хаёлимда у гўё қучоқ очиб чиқиб келадигандек. Бизни ўттиз беш ёшлар атрофидаги аёл самимий қарши олиб: “Ичкарига кираверинглар, холам сизларни кутиб турибди”, деди у.

Ичкарида Маҳфуза келинойи билан саломалик қилдик, ҳол-аҳвол сўрашдик.

Онахоннинг фариштали юзларидан худди Муртазо аканикидек нур ёғилиб турибди. Агар ҳаёт бўлганида Муртазо ака ҳам келинойи каби саксон еттига кирар эди.

— Бахтимизга соғ бўлиб юринг, сизнинг ёшингизга бизлар ҳам етайлик, илоҳим, — дея ният қилдим. — Муртазо акага жудаям ўхшаб қолибсиз. Уни кўргандек бўлдик.

Кузатишимча, эр-хотин меҳр-муҳаббат билан яшаса, қўшгани билан қўша қариса, зурриётлари ардоғида бўлса, бир-бирига ўхшаб қоларкан. Бу ҳам Оллоҳнинг мўъжизасидек бир ҳодиса.

— Муртазо ака билан қачон турмуш қурган эдинглар?

— 1962 йили йигирма беш ёшимизда тўйимиз бўлганди, — дейди опа кулимсираб. — Агар ҳаёт бўлганида у киши ҳам саксон еттига кирарди.

— Қаранг-а, мен туғилган йилда тўйинглар бўлган экан, — дейман.

— Муртазо акани хотирлаб Дилмуроджон газета учун мақола тайёрлаганди, шунга сурат берсангиз, олгач кетамиз, — дейди Шуҳрат ака.

— Эслаганларингиз учун раҳмат, акангиз яхши инсон эди. Фарзанд-невараларига жудаям меҳрибон киши эди. Яхши кунларимиз кўп бўлган. Аммо туҳматга учраб партиядан ўчирилиб, беш йил ишсиз юрганида у кишига оғир бўлганди. Орган ходимлари жудаям қаттиқ текширишган. Яратганга шукрки, оқланиб, туҳмат қилганларнинг юзи шувут бўлиб қолган. У кунларни ёзсангиз, ўзи бир китоб бўлади.

Унинг бошидан кечирган ташвишли кунларини Шуҳрат ака яхши билар экан, Муртазо ака ҳақиқат қидириб марказгача боргани, номи оқланганини айтиб берди.

Маҳфуза опага сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилаб, расмлар билан Муртазо Султонов ҳақидаги “Бир одамнинг олами”, “Мен одамларни севиб яшайман” номли китобларни олиб қайтдик.

Йигирма йил таълим тизимида вазир ўринбосари бўлиб ишлаган, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қурувчи, журналистикага эътиқодли ва ижодкорларнинг садоқатли дўсти Муртазо Султонов ҳақида билганларимдан бир шингил ҳавола қилдим, холос. Зеро, оқибат ўлмайди. Оқибатли инсонлар ҳаёти бизларга ибрат мактабидир. Муртазо ака шу мактабнинг бир муаллими бўлиб кўпчиликка одамийлик сабоғидан таълим бериб кетди...

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

## ТАРИХ ВА ТАЛҚИН



Тўлқин ҲАЙИТ

# АМИР ТЕМУР ВА ТЎХТАМИШХОН

(эссе)

*(Давоми. Боши ўтган сонда.)*

**XIV асрнинг 80-йиллари Соҳибқирон Амир Темур учун, чиндан ҳам, жуда оғир келди. 1387 йилда Тўхтамишхон Дарбанд дараси тарафдан юриш бошлади. Амир Темур унинг йўлини тўсмаса, ўз элу юрти тинчлигига хавф туғилишини англаб, зудлик билан зафарёр қўшини билан йўлга чиқиб, Эрон Озарбайжонига етиб, у ерларни тасарруфига олди ва қишни Қорабоғда ўтказди.**

Очиғини айтганда, у мусулмон ўлкаларининг ва бу ерлик халқларнинг мўғул каллакесарлари зулмидан озор чекишларини истамасди. Аслида ҳам на Озарбайжон, на Эрон ва на бошқа мусулмон давлатларини тасарруф этиш унинг учун зарурат эмасди. Лекин ўша замон саййидлари уни ислом байроғини кўтарган ҳукмдор, дея эътироф этган эдилар ва шу боис ҳам Амир Темур бу ўлкалардаги тинчлик ва ислом равнақи учун ўзини масъул деб биларди. Мустамлакачилик йилларида бу ҳақиқатни очиқ ёзолмаган эдилар. Бугун эса биз ўз тарихимизнинг тақиқ нуқталаригача эътибор бериб, унинг шу жиҳатларини ҳам очиқ баён этиш имкониятига эга эканимиздан фахрланамиз.

Яна ҳақиқатни тан олиб айтиш керакки, буюк ҳукмдор Амир Темур ўзи кўтарган, қўллаган Тўхтамишхон билан жанг қилишни хоҳлаганмиди? Ўша замондаги ва муаррихлар битган барча битикларни титкилаб кўрганимизда, бу саволга “Йўқ!” деган жавоб чиқиб келаверди. Чиндан ҳам, орада ихтилоф чиққан заҳоти Амир Темур музокара олиб бориш учун Тўхтамишхон ҳузурига ўзининг энг ишончли доно кишиларини юборди. Аммо йўлда душман тараф уларга ҳужум уюштирди, катта фавж билан Мироншоҳ ёрдамга етиб келмаганида, элчиларга зиён етиши тайин эди. Шундай бўлса-да, Амир Темур музокарани давом эттирди, ҳатто Тўхтамишхоннинг қўлга тушган аскарларини от-улов, озиқ-овқат билан таъминлаб, ортларига қайтариб юборди. Бу ҳам етмагандай, уларнинг ортидан маъюс оҳангда ёзилган нома ҳам жўнатди ва унда Тўхтамишхонга “ота-бола” муносабатини яна бир карра эслатиб ўтди. Бироқ Тўхтамишхон бунга жавобан яна хиёнат йўлини тутди: Амир Темурнинг Эрон сари уч йиллик юришга чиққанидан фойдаланиб, Турон ҳудудига лак-лак қўшинни босқин учун жўнатди. Ҳатто Сулаймон сўфини ҳам исёнга чорлаб, Сирдарё бўйлаб ҳужумга ўтди. Бухоро вайрон қилинди, Қарши шаҳридан эса фақат култепа қолди. Бибихонимнинг суюкли макони Занжирсарой ҳам ёқиб юборилди. Шу жанглар пайтида амирзода Умаршайх мирзонинг қўшини Ўтрорда мағлубиятга учради ва ўзининг асир тушишига бир бахя қолди.

Бу таҳликали шум хабар Амир Темур қулоғига етганда, у Шероз шаҳрида эди. Вазиятни теран англагани учун ҳам, қўшинни зудлик билан ортга бурди. Ўз элу юртининг тинчлиги, осойишталиги унинг учун биринчи даражали иш деб биларди, акс ҳолда, у Шайх Нуриддин ёхуд Шоҳмаликка ўхшаган баҳодир бекларини душманни даф этишга жўнатиши ҳам мумкин эди.

Дастлаб Умаршайх мирзонинг Ўтрор ёнидаги мағлубиятини тафтиш қилиш учун махсус ҳайъат тайин қилинди. Амирзода қатъий сўзли, иродаси мустаҳкам саркарда эди. У нуфузли беклардан иборат ҳайъат олдида ўзини муносиб ҳимоя қилиб, номини оқлай олди. Шунингдек, уч юз нафар аскари билан Хўжанд ёнидаги жангда душманни ер тишлатган Куч Маликнинг жасорати муносиб баҳоланди. Ўз жасоратларини исботлаб беролмаган бошқа бекларнинг соқоли қириб ташланиб, юзларига қизил бўёқ суртилиб, бошларига улама соч кийгизилиб, сазойи қилиниб, Самарқанд шаҳри оралаб оёқ яланг ўтишга мажбур қилинди (3). Қудалик ришталарини унутиб, исён кўтарган Сулаймон сўфи эса жазодан қутулиш учун Тўхтамишхон ҳузурига қочди.

1389 йилнинг қиши қаттиқ келди. Ҳеч бир сулҳга, келишувга, илтифотларга кўнмаган Тўхтамишхон Дашти Қипчоқ, Волга бўйидаги Булғор ҳудудидан тўплаган улкан қўшини билан йил охирида яна ҳужумга зўр бера бошлади. Амир Темур қаттиқ қиш пайтида ўз қўшинини авайлаш учун Тўхтамишхонга чап бериб, унинг умидларини бирин-кетин пучга чиқара бошлади. Фарғонадан амирзода Умаршайх катта қўшин билан келиб, уларга қўшилди. Қиш ўтиб, ҳаво бироз исий бошлагач, Амир Темур қўшинни кечаси ҳаракатга келтириб, Сирдарё бўйида душман билан тўқнашди ва уни дарёнинг нариги соҳилига улоқтириб ташлашга эришди. Бироқ Тўхтамишхоннинг зарбдор кучлари Турон ҳудудига шимол тарафдан таҳлика солиб турар, Амир Темур ўтроқ аҳоли яшайдиган ўз ҳудуди харобага айланишини, яъни ўз халқига заҳмат етишини хоҳламасди. Бошқа томони, жуда кучайиб кетган Тўхтамишхонни даф этиш учун қўшимча куч керак эди. Ўз беклари орқали қўшин тўпласа бўлмасмиди, деган савол кўндаланг бўлиши мумкин. Бу ерда бошқа бир нозик масала бор эди. Шу боис у Шаҳрисабзга келиб, қурултой чақирди. Албатта, базми жамшид кутилганидан ҳам дабдабали ўтди, яъни ҳукмдор қурултойга келганларни жуда яхши сийлади. Билдиларки, унинг қандайдир талаби бор, дабдабали базму жамшид шунга ишора эди. Ўша пайтларда ҳам ҳукмдорни алдашга уринишлар бор эди. Буни дўқ-сиёсат билан бартараф этиб бўлмаслигини Амир Темур яхши тушунарди.

Гап шунда эдики, кўпгина беклар ўз бойликларини ишлатмаслик учун қўл остларидаги яроқли сипоҳийлар сонини иложи борича камайтириб кўрсатишга ҳаракат қилишарди. Чунки бу нарса сарф-харажатларининг ошишига сабаб бўлар, яъни тўпланган янги кучлар учун от, қурол-яроғ ва бошқа уруш анжомларини сотиб олишга тўғри келарди. Шу сабабларга кўра, туманлардаги сипоҳийлар сони бироз камайиб кетган эди.

Амир Темур ҳукмдорлик мавқеидан фойдаланиб, камчиликларга йўл қўйган бекларига зулм қилиб, уларни жазолаши мумкин эди. Инсон дегани калтакка чидайди, аммо зулмни кўтаролмайди. Ҳукмдор буни яхши билар, ўзи ҳам зулмдан кўра одамларга меҳр беришга ошиқ эди. Шу боис у қуюқ зиёфат уюштирди, яъни барча бекларини шоҳона тўйга чорлади. “Тўй дегани меҳрга, дийдорга тўй”, дегани. Бошқа томони, ўзингнинг яхши томонингни ҳам кўр, дегани! Ана шу тўйда бекларининг қалбини чоғ этган Амир Темур совға-саломлар билан бирга бекларининг ҳар бирига қўшини сафини кенгайтириш учун чиқарган фармонидан бир нусхадан қўшиб улашди ҳамда айтилган жойга, белгиланган миқдорда сипоҳий етказиб бериш ҳақида уларнинг ҳар биридан тилхат ёздириб олди. Бу қонуний асос эди. Тан бериш керакки, элу юрт тақдири ҳал бўлаётган мураккаб паллада ҳам Соҳибқирон Амир Темур зулм ўрнига инсоний йўлни тутди. Буни ёзмай ёхуд бугунги кунга намуна қилиб кўрсатмай бўладими?! Амир Темурни бунча мақтайсизлар, деган кимсаларга, бу асло мақтов эмас, бор ҳақиқат, дегимиз келади.

1390 йил кеч кузида Амир Темур пойтахт Самарқанддан чиқиб, Дашти Қипчоқ сари йўлга тушди. Хўжанд шаҳрида шайх Маслаҳат қабрини зиёрат қилиб, шаҳар аҳлига ўн минг кепакий динор садақа қилди (М.Абдураимов. Темур ва Тўхтамиш. Тошкент, Ғ.Ғулом, 2000, 24-б.), яъни урушга кетяпман, деб халқни қийнамади ёхуд ортиқча солиқлар солмади.

Тошкентга келгач, хасталикка чалиниб ётиб қолди, аммо шаҳарда ободончилик ишлари олиб боришни ва шу ерда туриб, турли давлат ишларини бажаришни канда қилмади. Бу орада ўғли Мироншоҳ мирзо бошлиқ қўшин ҳам сафга келиб қўшилди.

Амир Темур соғайгач, аввало, жамланган қўшинни кўрикдан ўтказди, ҳар бир аскарга улуфа, маош берди. Темур қутлуғ ўғлон, Кунчи ўғлон, Идигу Ўзбекни қўшинга йўлбошчи (қиловуз) этиб тайинлади. Чўлпон Малик оқадан бошқа барча малика ва бекзодаларни Самарқандга қайтариб юборди ва 1391 йил 22 январь куни йўлга чиқди. Энди пичоқ суякка етган, то Тўхтамишхонни синдирмагунча ўзига ҳам, юртига ҳам тинчлик, осойишталик бўлмаслигини англаган Амир Темур ўзи пиширган ош бошига бало бўлганини тушуниб етган эди.

### ҚУНДУЗЧА ЖАНГИ

1391 йилнинг апрель ойида Амир Темур Улуғ Тоғга етиб борди. Тўхтамишхон бу сафар ҳам ёлғон ваъдалари билан Турон қўшинини ортга қайтармоқчи эди, аммо Амир Темур унинг ёлғонларига учмади. Чунки уни бир эмас, бир неча марта кечирди, ҳатто юртига икки марта босқин қилганда ҳам, кечирим мақомида туриб, иттифоқчилик учун номалар жўнатди, аммо қониқарли жавоб олиш ўрнига, яна унинг хиёнатларига дуч келди. Тахтдан мосуво бўлган бечораҳол ҳукмдорни кечириш мумкин, аммо сўзида турмайдиган кучли рақибнинг сўзига сира ишонч йўқ. Кучли рақиб сохтакор бўлади, қийин вазиятдан чиқиб олиш учун ёлғон ишлатишдан қайтмайди. Амир Темур узоқни кўрадиган ҳукмдор бўлгани учун ҳам, Тўхтамишхоннинг кучини қирқмаса, ўз туғилган юрти, халқи яна мўғуллар асоратига тушиб қолиши мумкинлигини теран англади. Мусулмон олами бўлмиш Туронни ҳам, Эронни ҳам ёвуз ва маккор душман қўлига бериб қўймайди. 1391 йил 28 апрелда Улуғ Тоғ чўққисига чиқиб, атрофни кузатар чоғида сангтарошларни чақириб, катта тошга бу ердан ўтган пайтдаги санани нақш этишни буюрди. Тошга: “Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йили, кўкламнинг ўрта ойида Турон султони Темурбек уч юз минг аскар билан ислом дини учун Тўхтамишхоннинг хонлигига юрди. Шу ерга етиб, белги бўлсин, деб ушбу битикни ёздирди. Тангри нисфат бергай, иншоолло. Тангри эл кишига раҳм қилгай, (фуқаро) бизни дуо била ёд қилгай”, деб ёздирди.

Орадан уч ой вақт ўтиб, қўшиннинг захира озиқ-овқат кўчма омбори бўшади, ҳатто ортдан келаётган бозор пешталарининг ҳам “суяги” кўриниб қолди. Қўшин эса фақат атала билан кун кўра бошлади. Захира ун ҳам тугагач, бошбалмоқ ўти қўшиб пиширилган бир қозонча аталани олтмиш навкарга улашадиган бўлишди.

Қўшинни бундай қийин вазиятдан талафотсиз олиб чиқиш биринчи галда ҳукмдорнинг вазифаси саналади, албатта. Амир Темур иккиланиб ўтирмасдан катта шикор ўтказишга фармон берди. Фармонга мувофиқ жами қўшин кенг ҳудудда доира бўлган ҳаракат қилди. Икки кун деганда доиранинг ичи турли ҳайвонлар билан тўлиб-тошди. Ўлжа тушган ҳайвонларнинг кераклисини ажратиб олиб, баъзиларини, хусусан, болаларини қўйиб юбордилар. Шу билан ниҳоятда катта ўлжа қўлга киритилиб, қўшиннинг гўшт таъминоти яхшиланди.

Тўхтамишхон ҳам ичидан пишган сардор эди, айғоқчилари орқали Амир Темур қўшинининг озиқ-овқати тугаганини эшитиб, уларни ортидан эргаштириб, тамом ҳолдан тойдиргач, пистирмадан ҳужум қилиб, пароканда этишни кўзлади. Тутиб келинган асирлар, яъни “тил” ҳам буни тасдиқлайди.

Амир Темур 1391 йил 29 май кунида Ёйиқ (Ўрол) дарёси бўйига етиб келади. Ғажарчилар уч жойда кечув борлигини маълум қилишади. Булар Айғир Ёли, Бур кичид, Чампа кичид деб аталувчи қулай кечув жойлари эди. Аммо ҳарбий ишларда уқуви баланд ҳукмдор Амир Темур кўрнамак ва хоин, лафзсиз Тўхтамишхоннинг ҳийласини, маккор режасини олдиндан сеза олди ва олти кун давомида дарё бўйлаб ҳаракат қилди ва шу яхши тадбири билан Тўхтамишхоннинг пистирмадан туриб, қўққисдан зарба бериш режасини пучга чиқарди.

1391 йилнинг 18 июнь куни ҳаво очилиб, қуёш юз кўрсатди. Ғажарчилар иккала қўшиннинг қоровул фавжлари тўқнашгани ҳақида хабар қилганини етказгач, Амир Темур ҳарбий кўрикдан ўтказилган улкан қўшинга жанг бошлаш ҳақида фармон берди. Бироқ бу гал у қўшинининг жанговар тартибини анъанавий жаронғор (сўл қанот), манғлай (марказ), баронғор (ўнг қанот) тартибда эмас, янги тактика — еттита мустақил қўлга ажратди. Тўғри, бу гал ҳам учта асосий қанот сақланиб қолди, аммо энди жаронғор, баронғор ҳам ўз илғор язакига (авангардига) эга бўлиб, манғлай эса, ҳам язак, ҳам захира фавжи билан кучайтирилди. Марказ салоҳиятли қўмондон Муҳаммад Султонга ишониб топширилди. Қўшиннинг орқа ва захира қисми Амир Темурнинг ўз қўмондонлиги остида қолди. Бу сара туман ва жангларда кўзи пишган тажрибали жангчилардан иборат йигирма фавж эди. Бу фавжлар манғлай ортида жойлашган бўлиб, жангнинг бирор жойида танглик содир бўлса, дарҳол ёрдамга шай турарди.

Умаршайх қўмондонлигидаги Андижон қўшини сўл қанотда жойлашган бўлиб, унинг жавонғорига Бердибек ва Худойдод Ҳусайнийлар бошчилик қилишди. Ўнг қанот — баронғорига Мироншоҳ мирзо қўмондон тайинланди, унинг язаки Хўжа Сайфиддинга берилди.

Тўхтамишхон ҳам жангга қаттиқ тайёргарлик кўрди, лекин у қўшинни бу гал ҳам эскича усул (ўнг ва чап қўл, марказ)да жойлаштирди. Қизиғи шунда эдики, Хивадан қочиб кетган Сулаймон сўфи ҳам унинг қўмондонларидан бири сифатида унга ёрдамга ошиқди. Бундан ташқари, жангларда кўзи қотган Тоштемир ўғлон, Бек Ёрлиқ ўғлон, Наврўз қўнғирот ҳам мўғул қўшинининг асосий зарбдор кучлари сафида турди.

Амир Темур жуда совуққон эди. Ҳатто бутун қўшинга чодир тикиб, дам олишга изн берди ва ҳар бир чодир ичида иккитадан чироқ ёқишни ҳам буюрди. Бу ҳам душманга ваҳима туғдириш учун бир усул эди.

Тўхтамишхоннинг бундан ҳайратга тушгани ҳам аниқ эди, шу боис илк жангда бутун кучини жанг майдонига ташлаб, ғалаба қилишга интилди ва бир қадар мақсадига ҳам эришди. Лекин бу устунлик Амир Темурга таъсир кўрсатолмади. Жанг олдидан отдан тушиб, икки ракаат намоз ўқиб, Аллоҳ таолодан адолат ва ғалаба тилади. У барча қўмондонларига чин кўнгилдан ишонар ва улар ҳам нима учун жанг қилишаётганини яхши тушунишарди. Ҳар бир аскар унинг учун ҳам қадри юксаклигини теран англарди. Ва шундай бўлди ҳам: Турон қўшинининг ўнг қанбул қанотига қўмондонлик қилган амир Сайфиддин ҳожи биринчи бўлиб жангга кирди ва жавонмард аскарлари билан Тўхтамишхон кучларини парчалаб ташлади. Бу орада Муҳаммад Султон бошлиқ фавж ҳам жангга отилди ва Тўхтамишхон қўшинининг марказ ва ўнг қанотига зарба берди. Тўхтамишхон бошқа тактика қўллашга киришди, яъни бутун ҳарбий кучини Умаршайх мирзо етакчилик қилаётган чап қанотга ташлади ва бу гал Турон қўшинини мушкул аҳволга тушириб қўйди. Тўғрисини айтганда, жуда мураккаб вазият юзага келди. Ана шу ўринда, очиғи, Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий даҳо қобилияти иш берди. У вазиятни теран англади ва бутун диққатини шу томонга қаратди ҳамда қўл остидаги 20 қисмдан иборат сара жанговар қўшинини ёрдамга ташлади. Бу ўз вақтида кўрилган қатъий ва жуда жиддий тактика эди. Ҳужум Амир Темур қўшинининг устунлиги билан бошланди. Тез орада Тўхтамишхон ўз кучларидан ажратиб ташланди. Унинг мулозимлари ҳам бу ҳолни зумда англаб, мағлубият яқинлигини сезиб, қочишга тушдилар. Бир қисм аскарлари унинг ҳалок бўлишига бир бахя қолганини сезиб, ваҳимага тушдилар. Али Яздий ёзганидек, Тўхтамишхоннинг ўзи ҳам: “...учқур отининг жиловини ортга бурди ва минг бир ҳийла билан қутулиб қолди. У қочишни афзал билган эди”.

### ТЕРЕК БЎЙИДАГИ ЖАНГ

Дунёнинг ўз ҳисоб-китоби, биз англаб етмайдиган сирлари мавжудки, кўпинча ақли ҳаминқадар кишилар: “Биров билиб ўтирибдими, ҳамма ўз манфаати учун ҳар қандай кир ишга қўл уради, битта менманми?!” дея кўк чизиғидан чиқиб кетиб, ўзларига бало-қазони сотиб оладилар. Амир Темурнинг кетма-кет зарбаларидан Тўхтамишхоннинг кўр кўзлари очилиш ўрнига, ёпиқлигича қолди ва бу сафарги кўрнамаклиги унга қимматга тушди.

Амир Темур Қундузча жангида уни ер тишлатган бўлса-да, Олтин Ўрда давлати ҳали унга тенг қудратга эга эди: ички имкониятлардан фойдаланган Тўхтамишхон тезда ўзини ўнглаб, яна улкан қўшин тузишга эришди ва 1394 йилда Кавказорти вилоятларига ҳужум уюштириб, қўшини билан Дарбанддан ўтиб, Ширвоншоҳлар ҳудудига бостириб кириб, талон-торожликларни бошлаб юборди. Ширвоншоҳлар сулоласининг тўртинчи вакили Иброҳим Дарбандий (1382-1417) мазкур ўлкага ҳукмронлик қилар, Амир Темурга нисбатан дўстона муносабатда эди. Амир Темур ҳам уни қўллаб-қувватлашга мойил эди. Шу боис Турон баҳодирларини Кўра дарёси бўйлаб олиб юриб, мўғул қисмларини таъқиб этди. Икки марта мағлубият аламини тортган Тўхтамишхон улар билан юзма-юз келишдан чўчиди ва дарҳол ортга чекинди.

Амир Темур уни кўздан қочирмай, ҳар бир ҳаракатини кузатиб турди. Керак бўлса, абжир хуфияларини жўнатиб, унинг режаларидан ҳам воқиф бўлиб турди ва баҳор келиб, иссиқ кунлар бошланиши билан Олтин Ўрда ҳудудида қўшинни жангга тайёрлади. Жанг олдидан, ҳар доимгидек, аскарларга маош — улуфа улашди, номдор жангчиларига имтиёзлар бериб, қарияларга нафақалар ҳам тайинлади ва уларни маликалар карвонига қўшиб, ортга жўнатиб юборди.

1395 йил 28 февралда Қулзум (Каспий) денгизи бўйлаб Дарбанд сари юрди. Ширвоншоҳ Иброҳим Дарбандий унга пешвоз чиқиб, ўз итоатини изҳор этди. Амир Темур ҳам унинг ҳурматини ўрнига қўйиб, эгнига кимхоб чопон солди ҳамда тожу тахтини идора этиш учун ортига қайтариб юборди.

Шу орада Соҳибқирон ўзининг эзгу дипломатиясига мувофиқ иш тутиб, энг ишончли ва донишманд элчиси Шамсиддин Олмалиқий орқали Тўхтамишхонни инсофга чақиришга уринди, аммо бу гал ҳам у Турон султони Амир Темурга киноя ва масхараомуз жавоб қайтариб, кўрнамаклик қилди.

1395 йил 14 апрелида икки қўшин Терек дарёси бўйида юзма-юз келди. Ҳар эҳтимолга қарши Амир Темур ўз қароргоҳи олдида иккита ҳимоя чизиғини барпо этишни лозим кўрди, яъни чуқур ковланиб, атроф мустаҳкамланди. Ҳар бир жангчининг ўз маррасида туриши, кечаси олов ёқилмаслиги, овоз чиқарилмаслиги ҳам қаттиқ тайинланди.

Эртаси куни — 1395 йилнинг 15 апрелида икки қўшин ҳам ҳаракатга келди. Бу сафар Тўхтамишхон ўз сардорлари бўлмиш Кунчи ўғлон, Бек Ёрлиқ ўғлон, Оқтов, Довуд суфи ва бошқа жангчилари билан Турон қўшинининг чап қанотига зарба беришни кўзлаб, бутун кучини шу ерга жамлади. Бундан кўзланган мақсад шу эдики, ҳийла билан ўзларини қочган кўрсатиб, Турон қўшинини бўлакларга бўлиб ташлаб, сўнг қаттиқ ҳужумга ўтиб, Амир Темур қароргоҳига келиб, уни маҳв этиш керак эди. Тўхтамишхоннинг бу режаси бошида иш бериб, унинг аскарлари Амир Темурнинг қароргоҳи олдида пайдо бўлиб, унинг ҳаётига таҳлика солди. Низомиддин Шомийнинг гувоҳлигича кўра, агар шу орада Шайх Нуриддин ҳаётини хавф остида қолдирганча, ёрдамга етиб келмаганда, Амир Темурнинг куни битиши аниқ эди.

Ҳар икки тараф учун ҳам ҳаёт-мамот кураши бошланди. Кучлар тенг эмасди. Агар туронликлар жиловни сал бўш қўйишганда, Тўхтамишхоннинг қўли баланд келиб, ғалаба қилиши аниқ эди. Аммо жангларда чиниққан Турон баҳодирлари, шерюрак жангчилари зумда душманнинг бир неча ҳарбий жанг араваларини қўлга киритиб, ўзларининг шавкатли отаси, Турон султони Амир Темур қароргоҳининг олдида кучли тўсиқ барпо эта олдилар. Ёрдамчи кучлар ҳам уларга мададга етиб келди. Суворийлари ҳам отларидан тушиб, жангга ташланишди. Аммо барибир Амир Темурнинг аҳволи мураккаблигича қолди. Чунки Тўхтамишхоннинг лак-лак аскарлари кетма-кет ҳужум уюштирди. Фақат Турон қўшинининг маркази ёрдамга келгач, вазият бироз юмшади, қолаверса, Амир Темурнинг сара жангчилари душман ҳар қанча зўр бериб уринмасин, барча қаттиқ ҳужумларини бартараф этишга куч топа олдилар. Уларнинг ҳар бири қаҳрамон эди. Ҳар бири Амир Темурнинг жонини ўз жонлари деб биларди. Айниқса, чап қанотдаги қанбул йўлбошчиси Худойдод Ҳусайн душман қисмларини ёриб кириб, Тўхтамишхоннинг Оқтов қўмондонлигидаги қисмнинг ортидан ҳужумга ўтиб, уни парчалаб, тумтарақай қилиб юборди. Шу орада Амир Темурнинг невараси, машҳур қўмондон Муҳаммад Султон ҳам марказ қисм билан жангга кирди ва чап қанотни кучайтиришга эришиб, улуғ ҳукмдор бобосининг жонини омон сақлаб қолди.

Турон қўшинининг ўнг қанот қанбули ҳамон ночор аҳволда эди. Тўхтамишхон қўшини Ҳожи Сайфиддиннинг ортига ўтиб олиб, унга таҳдид солаётган эди. Амир Темурнинг сара бекларидан бири Жаҳоншоҳ баҳодир қаҳрамонона жанг қилиб, Ҳожи Сайфиддин қўшинининг пароканда бўлишига йўл қўймади.

Кўрнамак Тўхтамишхон бу гал ҳам жангни бой берганини англагач, таёқ еган қашқирдай олди-ортига қарамай, бутун қўшини ва бойликларини ташлаб, қочиб қолди.

Турон қўшини ғалаба қозонди.

Амир Темур ғалаба шарафига барча бекларини, қўшин бошлиқларини, жангда жонбозлик кўрсатган жангчиларини саъй-ҳаракатларига яраша муносиб мукофотлади. Шайх Нуриддин тилла чопон, қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган бебаҳо белбоғ, 100 минг кепакий динор пул ҳамда қимматбаҳо учқур, сара от билан сийланди. Жаҳоншоҳ баҳодир, Муҳаммад Султон ва бошқалар ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан қозонган бу ғалабаси катта тарихий аҳамият касб этди: биринчи галда Турон давлати учун вайронкор куч-қудрат тамом синдирилди ва қолаверса, рус давлати, князликлари мўғул зулмидан узилкесил қутулиб, турли солиқлардан озод бўлиб, ривожланиш йўлига кирди.

Аммо шуниси ҳам борки, 1405 йили Амир Темур Хитой сари йўлга чиқар экан, жангдан қайтгач, яна Тўхтамишхонни ўз тахтига қайтариш ҳақида ҳам сўз юритган эди. Ким билсин, балки ростдир: узоқни кўрувчи буюк ҳукмдор Соҳибқирон Амир Темур келажакда шимолдан ўз юртига бирор бошқа бало-қазонинг ёпирилиб келишини сезганмикин?! Ҳар ҳолда, у зот бир нимани сезмаганда, бу гапни айтмаган бўларди.

## ХОРИЖ

### БОШ ВАЗИР УКРАИНАНИНГ НАТОга КИРИШИГА РОЗИ ЭМАС

***Словакия бош вазири Роберт Фицо лавозимида қолар экан, у ҳукумат раҳбари бўлган мамлакат Украинанинг НАТОга аъзо бўлишига розилик бермаслигини маълум қилган.***



“Мен партия раиси сифатида сиёсий назоратимдаги депутатларга Украинанинг НАТОга қўшилишига ҳеч қачон рози бўлмаслигини буюраман”, деган у.

Бош вазир Украинанинг Европа иттифоқига қўшилишига қарши эмаслигини, бироқ унинг Шимолий Атлантика альянсига қўшилиши “учинчи жаҳон уруши учун асос бўлиб хизмат қилишини” айтган. Фицонинг сўзларига кўра, Украинадаги уруш “русларни тиз чўктириш” мақсадида “Ғарб томонидан қўллаб-қувватлангани” учунгина давом этмоқда.

Фицо, шунингдек, 2025 йилда Иккинчи жаҳон уруши тугаганининг 80 йиллиги муносабати билан Москвага ташриф буюришни режалаштираётганини маълум қилган.

### ТИНЧЛИК ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНИШИГА УМИД БОР

***Арманистон ноябрь ойида Бокуда бўлиб ўтадиган БМТнинг иқлим бўйича 29-саммити (COP-29) олдидан Озарбайжон билан тинчлик шартномаси имзоланиши мумкинлигига умид қилмоқда. Бу ҳақда Арманистон Президенти Ваагн Хачатурянга таяниб, “Reuters” хабар бермоқда.***




“Агар бу фақат бизга боғлиқ бўлганида, ҳамма нарса бугун, ҳозир имзоланган бўлар эди. Аммо, умид қиламизки, эртами-кечми бу лаҳза келади”, деган Хачатурян.

У шунингдек, Арманистон ва Туркия ўртасидаги қуруқлик чегарасини учинчи давлат фуқаролари ва дипломатик паспорт эгалари учун очиш бўйича музокаралар муваффақиятли кечганини маълум қилган.

### ПУТИН ТУРКМАНИСТОНГА КЕЛАДИ

***Россия Президенти Владимир Путин жорий йилнинг 11 октябрь куни Туркманистонга амалий ташриф билан келади. Бу ҳақда Кремль матбуот хизмати хабар бермоқда.***



Путин атоқли туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган “Замонлар ва цивилизациялар ўзаро алоқаси – тинчлик ва тараққиёт асоси” халқаро форумида иштирок этади.

### ПРЕЗИДЕНТ ИМПИЧМЕНТИ ҚАЙТА БОШЛАНАДИ

***Грузия президенти Саломе Зурабишвилига ҳукуматдан рухсат олмай хориж сафарларини амалга оширгани учун “Грузия орзуси” ҳукмрон партияси президент импичменти жараёнини қайта бошлаш талаби билан чиққан.***



“Парламент аъзоларининг кўпчилиги Саломе Зурабишвилига импичмент эълон қилиш жараёнини қайта бошлаш бўйича қарор қабул қилди. “Грузия орзуси” сиёсий кенгаши аъзоси ва парламент раиси Шалва Папуашвилининг айтишича, парламент янги чақириғининг йиғилишларида камида 100 та овоз билан Президент импичмент орқали лавозимидан четлаштирилади”.

### ЯНГИ МЭР ЎЛДИРИБ КЕТИЛДИ

***Мексика жанубий-ғарбидаги Герреро штати мэри Алехандро Аркос лавозимга киришганидан олти кун ўтиб ўлдириб кетилди, деб хабар бермоқда “BBC”.***



Ўлимидан бир неча соат олдин унинг “Facebook”-даги саҳифасида гуманитар ташкилотлар ходимлари ва маҳаллий аҳоли билан учрашуви тасвирланган суратлар эълон қилинган.

Аркоснинг жасади ўзи раҳбарлик қилиб келаётган Чилпансинго шаҳридан топилган.

Штат губернатори Эвелин Салгадонинг маълум қилишича, шаҳар ҳукуматининг янги котиби Франсиско Тапиа ҳам Алехандро Аркоснинг ўлимидан уч кун аввал отиб кетилган эди. Ҳозирча расмийлар томонидан ҳолат бўйича олиб борилаётган тергов ва гумонланувчилар ҳақида ҳеч қандай маълумот ошкор этилмаган.

**Интернет маълумотлари асосида**
**Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.**

ХЎЖАНАЗАР ҒОЙИБНАЗАР ЎҒЛИ ҲУВАЙДОНИНГ 320 ЙИЛЛИГИ

# ҚАБРДАН ҚАЙТГАН БОЛА



**1927 йил. Фарғонанинг Чимёнига ҳам даврнинг тўфонлари кириб келади. Ислом динига кучли эътиқод қилган олим-уламолар, диёнатли, иймонли кишилар бошига даҳшатли мусибатлар туша бошлайди.**

**Ўзбек адабиётининг вакилларидан бири, тасаввуф илми билимдони Хўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдонинг авлоди бўлмиш Охунжон эшон ўғли Муқимиддин махсумнинг ҳам ҳаётига хавф таҳдид қила бошлайди. У қатағон қурбонига айланиб қолишдан қўрқиб, рафиқаси Мунисхонни олиб, Ўш томонларга кетади. Она юртидан айрилиш, оч-наҳорлик, мусофирлик, ҳар кимникида беркиниб яшаш минг азоб-уқубат эди. 1934 йил декабрь ойининг охирларида бу оилада ўғил фарзанд дунёга келади. Қишнинг қоқ чилласида туғилган бола орадан бир неча ой ўтиб ўлиб қолади.**

Муштипар она бўзлаб-бўзлаб қўни-қўшниларни чақиради. Гўдакни қабристонга элтиб кўмиш тараддудини кўришади, гўр ковлаб қўйилади. Тобутни кўтармоқчи бўлиб турилганида, Чимёндан Мунисхоннинг онаси етиб келиб, набирасини бағрига босиб йиғлайди. Сўнг Қуръони Каримнинг “Ёсин” сурасини қайта-қайта тиловат қилади. Онахон қарасаки, набирасининг баданида илиқлик пайдо бўлади. Мунисхонга онаси: “Чақалоқнинг лабига кўкрак сутингдан томизгин, агар сут гўдак лаблари орасидан ўтса, у яшаб кетади”, дейди. Аллоҳнинг қудрати билан гўдак лабидан она сути ўтади. Ўша куни боланинг қулоғига қайтадан азон айтилиб, номини Ўлмас деб аташади. Орадан бир йил ўтгач, Муқимиддин оила аъзолари билан Фарғонанинг Водил қишлоғига қайтиб келади. “Диндор шоирнинг уруғ-аймоғи” деган фитналар унутилгандай бўлиб турганида, Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолади. Муқимиддинни ҳам урушга жўнатишади. Уруш туфайли эрта улғайиб қолган болалар оналар жонига ора кирар эди. Ўғли Ўлмас ҳам ёш бола бўлса-да, онасининг ёнига кириб, уй-рўзғор, томорқа ишларига ёрдам бериб, тинмай меҳнат қилади. Уруш йиллари болалари ўйин-кулги ўрнига оғир меҳнат гирдобида қолишади. Худди катталардек меҳнат фронтида жонбозлик кўрсатади. У йиллардаги қийинчиликлар, айниқса, очарчилик оқибатию тафсилотларини баён этишнинг ўзи оғир...

Урушдан эсон-омон қайтган Муқимиддин 1948 йили бола-чақасини олиб Водилдан Чимён қишлоғига келади. Улар бобоси Ҳувайдонинг қабрини зиёрат килишга боришади. Қабр чиқиндилар остида қолиб кетган экан. Бу хунук манзарани кўриб, отаболанинг диллари вайрон бўлади. Гувоҳларнинг айтишларича, 1937 йили “диндор шоир” деб Ҳувайдонинг қабри сағанаси буздирилиб, ундан чиққан пишиқ ғиштларни пахта қуритиладиган хирмонга териб чиқишган экан.

Муқимиддин ва ўғли Ўлмас йиғлаб-йиғлаб қабрнинг теварак-атрофларини тозалашади. Ота-бола бобокалони қабрини қайта тиклашни мўлжаллаб турганида, кимдир тегишли идорага “чақув” қилади чоғи, Муқимиддинни милиция олиб кетади. Собиқ коммунистик партия қонли қиличини яланғочлаб, диндорларга қарши аёвсиз кураш олиб бораётган бир пайтда Ҳувайдонинг қабрини обод қилиш у ёқда турсин, номини тилга олиш ҳам иложсиз бўлиб қолади...

1977 йили Муқимиддин махсум оғир касал бўлиб, тўшакка михланиб қолади. Нима бўлса, Аллоҳдан деб таваккал қилиб, “Отамнинг кўзи тириклигида бобомнинг қабрини обод қилиб қўяйин, бу ёруғ дунёдан у армон билан ўтиб кетмасин”, деб Ўлмас ота иш бошлайди. Қувасойдан беш мингта пишиқ ғишт олиб келади. Бахтга қарши, Чимён ва қўшни қишлоқлардан бирорта уста қабрни тиклашга қўрқиб, рози бўлмайди. Ҳа, “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” деб овоз чиқариб айта олмайдиган ўша замонда “диндор шоир” деган тамға босилган Ҳувайдонинг қабрини обод қилишга ким ҳам журъат эта оларди...

Ўша йили октябрь ойида қувасойлик уста Маҳкам Холбоевнинг мардлиги, довюраклиги туфайли Ҳувайдонинг вайрон бўлиб ётган қабри устига сағана қурилади.

Ва ниҳоят, Ўзбекистонимиз мустақил бўлгач, Ўлмас ота ҳамкишлоғи шайх Абдулазиз Мансурни қидириб Тошкентга келади. Бобосининг мақбарасини обод қилиш ҳақидаги илтимосномасини ҳукуматга етказишга ёрдам беришини сўрайди. Мурожаат эътиборга олиниб, Фарғона вилояти ҳокимиятига Ҳувайдо мақбараси мажмуасини қуришга топшириқ берилади. Фарғона вилоятидаги ҳомий ташкилотлар томонидан қадамжо бутунлай янгидан бунёд этилади. Бугун бу қадамжога узоқ-узоқлардан, нафақат юртимиз вилоятларидан, балки чет ўлкалардан ҳам сайёҳлар келишмоқда.

Биз ҳикоямиз бошида тилга олган — қабрдан қайтган бола — Ўлмас ота ҳам бобоси каби ҳикматли ғазаллар ёзиб, зиёратчиларга ўқиб бериб, илҳомидан завқланиб узоқ умр кўрди. Фарзандлари, невара-эваралари, ҳамюртлари эъзозида умргузаронлик қилди. Боболар руҳини шод этиш — уларга муносиб, диёнатли, ҳалол-пок зурриётлар тарбиялаш тўқсон ёшдан ўтган Ўлмас отанинг эзгу нияти бўлди.

Ҳувайдо 1704 йили Ўш шаҳрида туғилган эди. Ҳаёти Фарғона вилоятининг Чимён қишлоғида ўтади. Тасаввуф шеъриятининг йирик вакили. Қўқон мадрасаларида ўқиган, қишлоғида мактаб очиб, узоқ вақт мактабдорлик қилган, косиблик билан ҳам шуғулланган. Отаси Ғойибназар сўфи Қашқардаги Офоқхўжа эшоннинг муридларидан бўлган. Чимёнда масжид ва хонақолар қурдириб эшонлик қилган. Ҳувайдо мумтоз шеъриятнинг деярли барча жанрларида ижод қилган. Шеърлари халқ орасида жуда машҳур бўлган.

Таниқли адабиётшунос олим Бегали Қосимовнинг ёзишича, Ҳувайдо ахлоқий дидактик йўналишдаги мазмунан теран, услубий гўзал асарлари билан адабий мактаб ярата олган шоирдир. Унинг ижоди ва дунёқараши шаклланишида Хожа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машрабларнинг тасаввуфий, фалсафий фикрлари ва асарларининг таъсири катта бўлган. Ҳувайдо мажозий ва ҳақиқий ишқ ҳақидаги орифона, дунёвий шеърларидан ташқари золимлик ва мазлумлик, камолот ва ахлоқий тубанлик ҳақидаги шеърларида ҳам мазкур шоирлар анъаналарини давом эттирган ва янги фикрлар билан бойитган.

Ҳувайдо ҳануз кўплаб мухлисларга эга. У тасаввуф меросини пухта ўрганиб, замирида чуқур фалсафий-ахлоқий дунёқараш мужассам бўлган асарлар яратган. У комил инсонни шакллантиришдек ғоят муҳим ва мураккаб масалага янгича ёндашади, тасаввуфнинг инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини кенг тарғиб этишда шеъриятнинг имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланади.

Ҳувайдонинг Чимёндаги мақбара мажмуасига кираверишда “Илоҳиёт илмининг билимдонларидан бири” бўлганлиги ҳақидаги ёзувларга нигоҳингиз тушади. Дарҳақиқат, Ҳувайдо шахси билан алоқадор халқ орасида “Чимён”, “Миндон” номлари билан боғлиқ тилдан-тилга ўтиб келаётган ривоятлар ҳам бор.

Ижодкор умри яхшиликка сарфланган бўлса, унинг ёди барҳаётдир. Шоир Минҳожиддин Мирзо таъбири билан айтганда, бобомиз Ҳувайдонинг қайси бир мисраларига боқмайлик, илоҳий муҳаббатни, инсоний ишқни, пок севгини кўрамиз. Бежизга ҳазрати Ҳувайдо “Муҳаббатдан муҳаббат бўлди пайдо, Муҳаббатсиз кишидин қоч, Ҳувайдо” демаган.

Мустақиллик йилларида бу гўшада катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Мақбара ёнидаги қадимий масжид ўрнига замонавий жоме масжиди бунёд этилди. Бу эса маҳаллий аҳолининг ибодат қилишлари учун катта қулайлик бўлди.

Ҳувайдо каби аждодларимизнинг мақбараларини муқаддас қадамжо сифатида зиёрат қилиш имкониятига эга бўлсак-да, ҳали-ҳануз унинг ижодий меросини тўлақонли равишда ўрганишга киришилмаганлиги армонли бир ҳолдир. Эсимда, бир пайтлар Ҳувайдо ижоди бўйича тадқиқотлар ўтказиб, диссертация ёқламоқчи бўлган олимга “Ҳувайдо диний шоир” деб йўл берилмаган.

Ҳар гал Фарғона водийсига борсам, муқаддас қадамжолар қаторида Чимён қишлоғидаги бобомиз Хўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдонинг мақбарасини ҳам зиёрат қилар эдим. Хўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдонинг 320 йиллиги арафасида яқинда бу фоний дунёдан у боқий дунёга сафар қилиб, бобосининг ёнига кетган, узоқ йиллик қадрдоним Ўлмас отанинг зиёратига бордим, руҳини шод этиш учун Қуръон оятларидан дуо қилдим...

Бир ёнда атиргуллар-у бир ёнда илҳомгуллар очилиб турган мақбарадан қайтар эканман, ушбу мисраларга кўзим тушди:

***Ҳувайдонинг мозорига бориб,***
***ёрим томоша қил,***
***Унубдур лолаи ҳасрат,***
***хазон бўлмас баҳорим бор...***

**Муҳаммад КЕНЖА**

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

# ҚАЛБИМИЗГА БИР НАЗАР



**Ривоят қилишларича, бир улуғ одамнинг хотини жуда ёмон аёллигини ҳамма биларкан. Лекин у киши бу ҳақда ҳеч кимга шикоят қилмас экан. Улуғ инсоннинг сабр-қаноатига ҳайрон қолганлар охири сўрашибди:**

**— Аёлингизнинг феълу атвори чидаб бўлмас даражада ёмонлигини ҳамма билади-ю, бу ҳақда ҳеч гапирмайсиз. Дилингизни ёрсангиз, енгил тортасиз...**

**— Мен нима учун бошқаларга ўз хотинимдан шикоят қилишим керак? — деб сўзловчининг гапини бўлибди у.**

Лекин унинг оиласи барибир бузилибди, эр хотинидан ажралишга мажбур бўлибди. Одамлар жуда қизиқувчан-да, яна унинг оғзини пойлашибди. Аммо жавобини бергандан кейин ҳам у аёл ҳақида лом-мим демасмиш.

— Аввал хотинингиз бўлгани учун барчага маълум ёмонликларидан ҳам оғиз очмасдингиз. Энди у сизга бегона, қутулганингизга шукур қилиб гапирмайсиз ҳам...

Одамларнинг бу луқмасига доно инсон:

— Мен нима учун ўзимга бегона бўлган аёл ҳақида ножўя сўз айтишим керак? – деб жавоб берган экан.

Кейинги кунларда ижтимоий тармоқларда худди кинофильмдек намойиш этилаётган эри Россияга ишлаш учун кетган ёш аёлнинг бегона эркак билан зино қилгани воқеаси... бошқалар нима дейди, билмайман, назаримда, биз – айрим катталарнинг ҳам қалбидаги иллатларни очиб қўйди.

Аввало, ҳаёт тажрибаси бору йўқ бўлган турли ёш, турли тоифа вакиллари тўсиқларсиз очиб кўриши мумкин бўлган ижтимоий тармоққа ёш аёлнинг ётоқхонасида деярли яланғоч ўтирган эркакни асосий объект қилиб кўрсатиш ахлоқ-ҳаё қоидаларимизга умуман тўғри келмайди. Кимдир бу ҳолатни: “Мана шундай бузуқларни шарманда қилиб кўрсатиш керак”, деган фикрда бўлса... Миллий қадриятларимизда ҳатто оталарнинг ўз қизлари, ака-укаларнинг туғишган опа-сингиллари ёнида ички ёки калта-култа кийимларда юриши ҳам оқланмайди. Зеро, бунақа ориятсизлик қизлару аёллар кўзидан, қалбидан андиша, номус пардасини кўтаради. Бетини қотиради.

Видеолавҳадаги гап-сўзлар ичида “Биз уни ўзимиз пойлаб юргандик... Мана энди тутиб олдик” деган гаплар эшитилади. Ён-атрофингдаги одамларга бундай муносабат йўлдан озаётган, нотўғри қадам билан жар ёқасига яқинлашаётган, билимсизлиги ё бошқа сабаб билан соғлиги, тинчлиги, бойлиги, обрўйини йўқотиб бораётган кишига нисбатан: “Қани, кутиб турайлик, нима аҳволга тушаркин. Кейин боплаб адабини берамиз ёки томошасини кўрамиз”, деган каби эмасми? Ўзигаю бошқаларга яхшилик истаганлар хато, камчилик, ёмонликни кўрган, сезган заҳоти уни йўқотишга, маддалаб кетмаслигига таъсир қиладилар, керак бўлса, ёрдам берадилар. Бу, иншооллоҳ, тарозуда тош босадиган бағрикенгликнинг, шафқатлиликнинг, инсонсеварлик, миллатсеварликнинг ифодаси бўлган фазилатдир. Ахир, ёмонлик, бидъат, бузуқлик, бузғунчилик каби иллатлар жамиятда барҳам топиши учун ҳамиша курашга тайёр бўлмаган қалбнинг ўзи бу ғиллу ғашликлардан озода, деб айтиш мумкинми?

Видеодаги овоз, муҳокамалардан гуноҳ содир бўлган хонага шу оила аъзоларидан тортиб қўшнию қариндошлар вакиллари ҳам йиғилгани билиниб турибди. Воқеада иштирок этаётган ички ишлар ходимининг кўз ўнгида одамлардан бири зинокорни уриб кетди, ҳуқуқ-тартибот идораси ходими бунга ҳеч қандай муносабат билдирмади.

Яна... энг кўп ўйлантирган, тўғрироғи, алам қилган жиҳати... Кейинги бир йил ичида ички ишлар ходимлари томонидан тутиб олиб қамаб қўйилган (аниқ сабаби уларнинг ўзи билан тупроққа кўмилди) бир неча фуқароларнинг ўлиги чиқди. Улардан биргина мисол: ижтимоий тармоқларни ларзага солган воқеа: Фарғона вилоятининг туманларидан бирида касалманд онасининг тикилиб термулган ўғли, кекса отахоннинг белига қувват бўлиб турган ёлғизгина набира (мактабда ўқишдан ташқари вақтларида косибдан ҳунар ўрганаётган) – ўн тўрт ёшли болани 17 минг сўмлик майда-чуйда егуликларни пул тўламай олиб чиқиб кетаётгани учун дўкон сотувчиларининг мурожаати билан ички ишлар ходимлари қамаб қўйишган, икки кундан кейин унинг мурдасини қайтариб беришган.

Ўшанда ўсмирнинг 17 минг сўмлик ўғирлик устида қўлга тушгани ҳақидаги гаплар ижтимоий тармоқда хўпам айланди. Унинг фожиали ўлими сабаблари... тўғри, нинаниям бесўроқ олиш мумкин эмас. Лекин ҳаёт-да, озгина меҳру инсонийлик билан суриштирилса, сабаби ўрганилса, ўсмирнинг камбағал оиланинг фарзанди эканини, (балки) ўша пайтда қорни очу чўнтаги қуп-қуруқлигидан билиб-билмай нотўғри қадам қўйганини тушуниш мумкин эди. Зеро, у эрка-тантиқ, бебош эмас, етишмовчиликда улғайиб, ёш бошига ҳам ўқиб, ҳам ҳунар ўрганаётган фарзанд, набира бўлган дейишмоқда. Бир норасида, ҳаёти синовда кечаётган онанинг суянчиғи пул топиб инсоф топмаганлар, мансаб топиб меҳру мурувват, шафқату одамгарчиликдан мосуво бўлганлар сабаб ўлиб кетди. Қўни-қўшнилар, маҳалла, мактаб жамоаси жим, жим... Бузуқчиликлар атрофида аридай ғужғон бўлиб, уни кузатиб, томоша қилиб, элу юртга овоза этамиз-у, оғир ижтимоий фожиаларни муҳокама, таҳлил қилиш, уларнинг ҳаётий илдизларини қуритиш учун эҳтиёжимиз, журъатимиз йўқлиги, ҳеч бирлашмаслигимиз алам, юрагингни қон қилади...

Ҳадиси шарифда айтилишича, мўмин инсон токи жаннатга кирмагунча яхшиликка тўймас экан.

**Муҳтарама УЛУҒОВА**

АЧЧИҚТОШ

# ЁЛҒОНСИЗ ЯШАБ БЎЛАДИМИ?

**Ёлғон... Бу сўз инсон дунёга келибдики, у билан бирга. У йиллар ва асрлар оша одамлар манфаати-ю ҳимоясининг қуролига айланиб, ҳаётига сингиб, кенг қулоч ёзиб борди. Ёлғон гоҳ “алдов”, гоҳ “ҳазил” кўринишида намоён бўлиб, бугунга қадар яшаб келмоқда. Баъзан у ширин ва аччиқ сўзлар ичида яшириниб олиб ҳам ўз мақсадига интилади.**



Ўтмишдан маълумки, аждодларимиз ёлғондан ҳазар қилиб, “бўйнингда қилич турса ҳам ростини гапир” деган қоидага амал қилиб, ёлғонни зарур бўлганда фақат эзгулик, тинчлик ва адолат йўлида яхши ниятнинг амалга ошиши учун ишлатганлар. Афсуски, инсон онги ўсиб, эҳтиёж доираси кенгайиб борган сари “ёлғон” деган иллат ҳаётига чуқурроқ кириб борди. Айниқса, бугунга келиб “ёлғон” ишлатиб кўзланган мақсадга эришиш, иш битириш, манфаатли бўлиш, ҳатто шу йўл билан бойишга интилиш бутун дунё бўйлаб кенг қулоч ёзаётганлигини кўриб, эшитиб турибмиз. Ҳатто мана шу иллатни дастак қилиб, дунёнинг бир қатор нуқталарида айрим давлатлар бир-бирини гижгижлаб, уруш оловини аланга олдиришга, шаҳар ва қишлоқларни вайрон, бегуноҳ одамларни қирғин қилишга уринмоқда. Шубҳасизки, бу ёвузликнинг мағзида битта нарса — нопок манфаат турганлигини англаш қийин эмас.

Хўш, ота-боболаримиз нима учун ёлғондан ҳазар қилганлар? Бу саволга улар шундай жавоб берганлар: “Ҳазил — ҳазилнинг таги зил”. Бу ёлғоннинг оқибати ёмон дегани. Шунинг учун ҳам оилада бола ёлғон гапириб қўйса, катталар “бундан кейин ёлғон гапирма, болам, уят бўлади” деб, уни рост сўзлашга даъват этганлар. Минг афсуски, кейинги йилларда мактаб ва олий ўқув юртларида ҳам ёлғон авжига чиқиб, таълим-тарбиянинг сусайишига олиб келганлиги матбуотда тез-тез кўзга ташланиб турибди. Ўқувчи ва талабаларнинг дарсга кечикиб келиши ёки бир-икки кун келмаслиги эса одат тусига кирганлиги фикримизнинг яққол далили. Дарсга кечикканликнинг ёки келмаганликнинг сабаби сўралганда ўқувчи билан талаба ростини айтади деб ўйлайсизми? Асло! Униси ҳам, буниси ҳам кўзларини лўқ қилиб ёлғонни дўндириб, ўқитувчини алдайди.Ўз ота-онасидек меҳрибон бўлган азиз устозига ёлғон гапирган йигит-қиз ота-онасини алдамаслигига ким кафолат беради? Ачинарлиси шундаки, бундай ёшлар энг яқин сирдош дўстларини ҳам ўз ёлғонларига ишонтиришдан тоймайдилар. Лекин бу ёлғонлар бир кунмас, бир кун фош бўлиши аниқ. Ўшанда ёлғон гапириб, дўстини қаттиқ ранжитган инсон худди чаён чаққандек узр сўраб тўлғанади, бош эгиб қасам ичади, ялиниб-ёлворади. Аммо дарз кетган ишончни ўз ҳолига келтириб бўлармиди?! Ёлғончига алданиб юрган дўстнинг қалби совиган, олдинги меҳр-оқибат ва ишонч ўрнини қандайдир лоқайдлик эгаллагандек туюлади. Тўғри, қонунда ёлғон кўрсатма берган кишига жазо белгиланган. Бироқ, ота-онасини, ўқитувчисини, дўстини алдаган, уларга ёлғон гапирган ёшлар нари борса танбеҳ эшитиш билан қутулиб қолишмоқда. Жамоатчилик бу масалада ўз фикр-мулоҳазаси-ю таклифини ўртага ташласа, таълим муассасаларида давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар мунтазам ўтказилиб борилса, “Ёлғонсиз бир ой”, “Ростгўй ўқувчи”, “Ёлғондан нафратланадиган талаба” сингари танловлар ўтказилиб турилса айни муддао бўлур эди. Хўш, қани айтинг-чи, умуман ёлғонсиз ўқиш, ишлаш, яшаш мумкинми?!

Бунга сиз нима дейсиз?

**Маликахон МИРЖАЛОЛОВА,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси.**

## РАНГЛАР ЖИЛОСИ

# ЧЕКСИЗЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ БОР

**Кўнгил кўзгусига кўз билан боқиб бўлмаганидек, буюк голланд рассоми Винсент ван Гог мўйқаламига доир ранг-баранг картиналар манзараларига ҳам тасаввурни жамламай бирор-бир илғамни англаш мушкулроқ: бир қараганда хира, енгил чанг қоплаган туманли кўриниш акс этса, яна бир қарашда ёрқинлик ҳарир парда ичида тонг ёғдусидай сузиб чиқиб, онгу шуурингиз пучмоқларини ойдинликка йўғрайдики, беихтиёр тебраниб кетасиз. Ҳамон яхши эслайман, талабалик даврида Ван Гог ҳаёти ва ижоди ҳақида тасвирга олинган "Ҳаётга ташналик" бадиий фильми бу рассом оламига саёҳат этишга ундаган. У пайтлари рассомларнинг хат жилди ҳажмидаги картиналари акс этган тўпламлар китоб дўконларида сотиларди. Жилдга жойланган суратлар 10 донадан бўлиб, энг машҳур картиналар нусхаси эди. Нархи эса бор-йўғи бир сўм. Курсдошларимдан бири: "Буни бошингга урасанми?" дегани ҳам чин. Мен тушуниб-тушунмай термилиб, ўзимча завқ туйганман. Кейинчалик Пикассо, Сальвадор Дали, Гоя, Гоген, Исаак Левитан, Ўрол Тансиқбоев ва бошқа машҳур рассомларнинг картиналарига ошно тутинганман.**

Рауф Парфининг Ван Гог — шоир-рассом деган ибораси мени бу ижодкорга янада яқинлаштирган. Билмадим, рассом картиналарида кўпроқ сариқ рангга урғу берганки, дунёни абадий тубанлик акс-садоси фонида тимсоллаштирганми, ҳар нечук, мени ҳайратга солган. "Ойна" картинасида рассомнинг руҳий олами шундоқ идрок мўйқалами ила нусхаланган, деган ишоралар бор.

Ван Гог абсент (руҳий бузилиш) хасталиги туфайли қулоғини кесиб фоҳишахонага юборган, деган гап қарийб бир асрдан бери унинг мухлислари тасаввурини чалғитиб келган. Янги тадқиқотларга кўра, "1888 йилда Ван Гог Франция жанубига ўтиб, Пол Гогенни ўз шаҳри Арлда яшашга кўндиради. Ван Гогнинг беҳаловат руҳи Гогеннинг осойишта, барқарор феълини кўтара олмади. Дўстлар бир том остида яшай олишмади.

Баҳс ва жанжаллар доимий тус ола бошлади. Икки ойдан сўнг эса Гоген кетишга аҳд қилади. Германиялик тарихчилар Ганс Кауфман ва Рита Вилдеганслар факт ҳамда полиция архивларини ўрганиб чиқиб, бу икки дўст орасида дуэл бўлган, деган хулосага келишди. Отишма чоғида собиқ денгизчи ва жуда яхши қиличбоз бўлган Гоген Ван Гогнинг қулоғини яралаган. Тахминларга кўра, қонни тўхтатиб, бироз ўзларига келиб олган дўстлар бу ишни сир сақлашга қарор қилишган. Винсент эса дўстига зарар етказмаслик учун полицияга бу ишни ўзи қилганини айтади". Ана, холос. Ёзувчи Бейлининг изланишларига кўра, Ван Гог ҳеч қачон очнаҳор, қашшоқ яшамаган. Унинг акаси Тео рассомнинг картиналар кўргазмасини доимий ташкил этиб, Винсентни 220 франк билан таъминлаб турган. Шунга кўра, рассомнинг тириклигида битта картинаси сотилган деган далиллар ҳам шубҳали. Албатта, унинг асарлари йиллар ўтган сайин дунё тасвирий санъат аҳлини ҳайрат дунёсига етаклаганиям чин. Импрессионист Винсент Ван Гогнинг "Тринкветайль кўприги" сурати учун қарийб 39,3 миллион доллар таклиф этилди. Асар ўз харидорини топди" ёхуд унинг бир асари 137 миллион долларга сотилганлиги, шунга ўхшаш хабарлар интернет тармоқларида доимо ёритиб борилмоқда. Буюк рассом картиналари ихлосманди сифатида улуғ рус шоири Евгений Евтушенконинг шеърини бежиз таржима қилмаганман.

### — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли рассом Азамат САТТОР

**ВАН ГОГ МОНОЛОГИ**

*Биз ўзига тўла-тўкис ишонган,*
*Ҳа, чўнтаги қуруқ моҳир аслармиз.*
*Ҳомеру Рембранд қовурғасидан*
*Туғилган биздаги истеъдод сўзсиз.*
*Бизга керак эмас ортиқча сийлов,*
*Расмий доиранинг марҳамати ҳам.*
*Буддаю Исо ҳам керакмас бирров,*
*Қора нон бўлса бас, фақат бир тишлам.*
*Қоғозлару лойлар, ё мато керак!..*
*Нотали белгилар, бўёқлар, силжинг!*
*Шаклига кўра ер эскидир бешак,*
*Унга янги шакл бахш этгаймиз сўнг.*
*Майли, эшитайлик ҳуштакбозликни,*
*Бемаҳал ҳуришни эшитайлик биз.*
*Қанча бекитмасин ёлғон кунларни,*
*Сиз-ла моҳирона қасос олгаймиз.*
*Бизнинг истеъдодга ишонмаганлар*
*Ва панада ғийбат қилганлардан ҳам.*
*Қани, олға, қаттиқ берайлик зарба,*
*Аниқлик нишонин мўлжаллаб бардам.*
*Ўрнингиздан туринг, оғайнилар, тез,*
*Йўлга чиқиш вақти етилди, етар.*
*Аслида, сизу биз қанчалик боймиз,*
*Эй чўнтаги қуруқ моҳир усталар!*

Ван Гог ҳақида минглаб афсоналар мавжуд. Тасвирий санъат ва адабиёт дарғалари ҳаёти халқ кўз ўнгида тургани учун ҳам уларнинг асарлари эъзозда. Бу билан исталган рассомнинг картиналарини қойилмақом тарзда баҳолашга қодирман демоқчи эмасман. Ёнгинамда ижод қилаётган, кезида бир ариқ сувини ичиб, гурунг гулханини ёқиб, суҳбатдош биродарим Азамат Саттор ижодига бир назар солмоққа журъат этдим. Замондош ижодкор билан ҳамнафас бўлиш, унинг камтарин меҳнатини элга арғумон этмоқ дўстнинг бурчи десам, тарих ғилдирагини тескари айлантириб юборган бўлмайман. Қолаверса, улуғ рассом Ван Гогга хос имо-ишораларга бой картиналари мавжуд десам-да, янглишмайман. Келинг, бир лаҳза унинг ижодий харитасига нигоҳ ташлайлик.

**Азамат Саттор Ўзбекистон Бадиий Академиясидаги ўзбек халқи миллий меросининг ажралмас, нодир қисми сифатида Ватанимиз ҳудудида қадим замонлардан мавжуд бўлган жаҳон тасвирий, амалий, миниатюра санъати тарихи ва ривожига буюк ҳисса қўшаётган рассомлардан саналади.**

Бадиий академия тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишларини ривожлантириш, академик бадиий таълимнинг изчиллигини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга масъул ижодий муассаса ҳисобланади.

У меҳнат фаолияти давомида ёш ижодкорларга сабоқ бериш билан бир қаторда, шаҳар, вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказиладиган оммавий-маданий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Жумладан, "Мустақиллик" ва "Наврўз" умумхалқ байрамларида, халқаро фестивалларнинг очилиш тантаналарига бағишланган тадбирларда саҳна безак ишларининг бажарилишида бош рассом сифатида фаол иштирок этиб келмоқда.

Унинг ижодий фаолияти давомида рангтасвир жанрида "Машшоқлар", "Висол", "Қашқадарё сиймолари", "Қияликдаги уй", "Ғийлон манзаралари" туркум асарлари, "Сарчашма", "Субҳидам", "Рақс", "Ерқўрғон", "Фермер", "Дорул саодат", "Куз манзаралари", "Рузана", "Кўк булоқ", "Мингчинор" каби 200 дан ортиқ санъат асарлари республика ҳамда дунёнинг етакчи давлатларида ўтказилган санъат фестивалларида намойиш этилган.

Жумладан, 1991 йилда Тожикистонда ўтказилган халқаро фестивалда "Заҳарли ҳаёт" ва "Жононга бордим бир кеча" деб номланган асарлари билан қатнашиб, "Энг яхши саҳна рассоми" наминацияси бўйича ғолибликни қўлга киритган.

Шунингдек, 2000 йилда Мисрда ўтказилган халқаро театр фестивалида "Манқурт" асари асосида ишланган "Найман она нидоси" спектакли билан қатнашиб, томошабинлар томонидан юқори эҳтиром билан қабул қилинган.

"Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги", "Қадим ва боқий Бухоро", "Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги" ҳамда "Шарқ тароналари" халқаро фестивалларида бадиий безак ишларини бажарган.

У Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати музейининг очилишида музей экспозицияларини шакллантирган. Мазкур мактабнинг деворларида маҳобатли Абдулла Орипов композициясини яратган. Бундан ташқари, Қарши шаҳридаги "Мотамсаро она", "Абдулла Орипов", "Эл-юрт таянчи" монументи ва Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти "Ислом Каримов" ҳайкалларининг таъмирлаш ишларини мунтазам равишда олиб бормоқда.

2018 йили Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган I Халқаро мақом санъати анжуманидаги саҳналаштириш бадиий безак ишлари жараёнига қўшган салмоқли ҳиссаси ва фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирининг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланган.

Унинг ижодий гуруҳи Италия, Миср, Франция, Бельгия, Россия, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа давлатларда ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек санъатини кенг тарғиб қилган.

Бундан ташқари, "Уйғунлик", "Ғийлондаги уй" асарлари "Ўзбекистон рассомлари" китобига киритилган. Ҳозирги кунда унинг ижодий асарлари "Ўзбекистон санъати" журналларида доимий чоп этиб келинмоқда.

Унинг саъй-ҳаракатлари билан театр соҳасида саҳналаштирувчи рассом сифатида "Соҳибқирон". "Руҳлар исёни", "Нодирабегим", "Бруд ёхуд Цезарнинг қотили", "Жаннатга йўл", "Шайх Санон", "Меҳрибонгинам" каби санъат асарлари томошабинлар эътирофига сазовор бўлган.


А.Сатторов ташаббуси билан 2020 йилда Тошкент шаҳридаги марказий "Кўргазмалар" залида 1 ой давомида "Қашқадарё рассомлари" кўргазмаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, Қарши шаҳридаги А.Навоий боғида Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллиги, вилоят ҳокимлигида 9 май Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган байрамларда саҳна ва бадиий безак ишларини бажарган.

Азамат Сатторнинг ҳар бир картинасида ранглар шарпаси турфа чизиқларда товланади, қулоқ эшитмас куй янглиғ изтироблар гиряси алангасини ёқади. Энг муҳими, ақл сўқмайди, илоҳий эҳтиросларнинг қуюни ўрамида инсон ноласи азалийлик симфониясига жўр бўлади. Қуйидаги картинага қараб эса дарров хулосага келасиз: Дунё — аждарҳо!



Бу, албатта, зоҳирий тушунча. Лекин азалдан тубанлик абадий илдиз отган. Бальзак "Бахтсизлик энг яхши мураббий" деганидек, бахтдан бахтсизликни топамизми ё бахтсизлик бахтнинг туғими, англашга ожизмиз. Оний лаҳзаларда бахтнинг шукуҳидан яйраганимиз чин. Барибир, бизни бир бекат кутади: у — жудолик. Икки нуқта орасида умримиз кечаркан, инсон иродаси синов чиғириғида азоб тортмоққа, дард чекмоққа, тузоқ оловини ичмоққа маҳкумиз. Суратда гўё ҳаётнинг ўзиям тузоққа илингандек нонекбин таассурот уйғотади. Аслида, нонекбинликда ҳаёт мужассам.



Бу картинада эса олам ва одам сайёрасининг танҳолиги, одам ҳаракатида олам ҳаракати узвийлиги ва тадрижийлиги, англамсиз ишораларда англаш мумкинлиги савқи табиий ташхисланганлиги билан мўъжизакордир. Биз қайси ракурсда шуур кўзига суратга олмайлик, қалбни тўйинтирадиган тасаввурлар баёнида ўз шарҳимизни битишга интиламиз.



Инсон ўз нуқтаи назари билан оламни инкишоф этмоққа интилади. Картинага боқиб, ҳар бир одам ўз коиноти салтанатининг ҳукмдори эканлигига иймон келтирасиз. Ана шу салтанатни куноя қилган одам хаёл қулига айланиши муқаррар. Азамат бу картинани модернизм тамойилларидан кўра Шарқ эртаклари асносида мўйқаламда чизган. Тасаввурлар уйғоқ, хаёл тулпори юксакликнинг тизгинсиз кенгликларида самовий завқдан юлдуз теради. Тоғлар ўйчан, улар чоллардек чордана қуриб, суҳбат қураётгандай, назаримда. Табиат ва инсон уйғунлиги мангуликка дахлдорлик туйғусини уйғотади. Умуман, рассомнинг картиналари юксак тафаккур намуналаридир, унда илоҳий савқи табиийлик ҳам синган.

**Ўроз ҲАЙДАР**

## ШЕЪРИЯТ

**Хуршид НУРУЛЛАЕВ**

# Куз — мунис онамнинг хорғин сиймоси

**КУЗ**

Ситмоққа қийналар тонг туннинг чокин,
Саҳархез қушларнинг овози авжсиз.
Сойдаги қатра сув шунчалар сокин,
Шишадай тип-тиниқ, хаёлчан, мавжсиз.

Юкли келин каби қўк юзида доғ —
Бадарға булутлар қайтар самога.
Суйкалса ортидан эргашар япроқ,
Қовун ҳидидан маст юрган сабога.

Супада мурғагин босиб кифтидан
Мушук ялаб ювар унинг бетини.
Мунғайиб қолгандек айвон шифтида
Уста қалдирғочнинг нақшинкор ини.

Талончи шамоллар сочади қаҳрин,
Юлғичлик бошлайди еру азимда.
Бисотида борин — бериб барглорин,
Дарахтлар бош эгиб турар таъзимда.

Қовжираган майса келтириб раҳмин,
Қиров чор-атрофга тўшаб чиққан бўз.
Сарғичранг нимчасин кияркан замин,
Борлиққа қайтадан исм қўйилар — куз.

Куз — мунис онамнинг хорғин сиймоси,
Ажинин эслатар япроқсиз шохлар.
Кийишидан олдин оппоқ либосин,
Ёмғирда ювиниб олади боғлар.

* * *

Маҳзунлик юкини қалбга ортар куз,
Қорамтир либосин кийган булутлар.
Япроқсиз тераклар ғариб, бенуфуз,
Шохлари хурпайган жайрадек тутлар.

Мунғайиб кўз тикар қуриган ирмоқ —
Жар — туман йўлида ётган катта чоҳ.

Ёмғирда жилғага айланган сўқмоқ
Тош йўлдан юришни этади огоҳ.

Азобдан қорайр намозшомгуллар
Бераҳм қировнинг совуқ нишидан.
Тинимсиз тўзғийди хиёбон, йўллар
Бева хазонларнинг намойишидан.

Сўққабош чол каби хомуш тортар кун,
Оташдан мосуво қуёшнинг нури.
Фиғон — хазонлардан бурқсиган тутун —
Секин қуриб борар кузакнинг шўри.

Маҳзунлик юракни узоқ этмас тарк,
Алвидо, қалбимда инграб ётган сўз.
Тош қотган теракда титрар битта барг —
Сўнгги бор қўл силкиб турган каби куз.

* * *

Куз қариди — қуёш нурлари
Ёритса-да кунни, тафти йўқ.
Япроқ ерда ётар хўрланиб,
Ёмғир — булут отган сочма ўқ.

Куз қариди — саҳарда қиров
Оққа бўяр майса кокилин.
Шамол кўриб қаршисида ғов,
Синдирар бир дарахтнинг белин.

Куз қариди — кўринмас деҳқон,
Уйқу элтган шудгор ерларни.
Туман оёқ қўйиб дашт томон
Яширади кўздан қирларни.

Куз қариди — кўзин юмади
Юлдуз, баргни кўрмайин деб хор.
Хазонларга қўшиб қўмади
Кузни, туни билан ёққан қор.

* * *

Энг аввал япроқлар пайқади кузни,
Баргларнинг юзига хавотир қўнди.
Ёзи билан эмиб тоғлардан музни,
Барибир, жилғанинг ҳаёти сўнди.

Булутлар қорайр, недан бу завол?
Чидолмай гоҳида тўкар у кўз ёш.
Тилла тангалар, деб хазонни шамол,
Шошганча, ҳар ерга қила бошлар чош.

Чақмоқ — биз билмаган, балки, сирли сўз,
Англаб етолмаган таъна ё илинж.
Ернинг жамолини соғинган юлдуз
Булут баданига тортарми қилич?

Барглари тўкилган, антиқа дарахт —
Мевалар бўшатмас қўлини шохдан.
Қиш келган, узишга ҳали ҳам барвақт,
Мўъжиза — хурмолар жой олди боғдан.

Куз, маъюс нигоҳинг ўртади жонни,
Ахир саодат-ку кутилган якун.
Қай фасл бўлмасин, еру осмонни
Ҳар тонг қарши олсин келаётган кун.

* * *

Ҳаво бирам тоза, тўймайсан ютиб,
Сендан кўз узмайди Зомин тоғлари.
Ширин хаёлларнинг қўлларин тутиб,
Яйрайди умрингнинг айни чоғлари.

Арчалар бир муддат олган каби дам,
Чўққига чиқмоқчи — кўкни ўпгали.
Ирмоқлар сувига, уят бўлса ҳам,
Яланғоч харсанглар тўймас суйкалиб.

Ўзини ўнг-чапга урар йўл, гўё
Улкан қулранг илон ўрмалар дўнгга.

Тонг отган, кўрганинг наҳотки рўё,
Хира ой, қуш каби чўққига қўнган.

Шарманда бўларди гуллар ҳидласа,
Димоққа урилар ҳузурбахш ифор.
Юксак чўққиларга кўз тушган лаҳза
Кўксингга кўчгандек тоғлардан виқор.

Бу ажиб чиройга табиат она,
Тош, гиёҳ, дарахт, биз асли бир уруғ.
Барча эл-элатга замин ягона,
Ва қуёш — инсоният учун умум туғ.

Эзгу ўй уйғотди бу кўҳна маскан,
Буюк Ипак йўлин ҳикматин айтай.
Неча бор вайрона бўлса Самарқанд,
Йўл бирла уни эл тиклаган қайта.

Саҳролар ётса ҳам манзиллар аро
Йўл учун танланган хавфсиз, сўлим жой.
Йўли берк оламдан тушгайдир айро,
Йўл билан эл яқин, йўл билан юрт бой.

Буюк Ипак йўли бўлса бир шода,
Гавҳари Зоминдир, ўлмас жавоҳир.
Бул макон сарҳадин кезсанг пиёда,
Танангда бардамлик бўлгайдир зоҳир.

Мен яна қайтаман, шу қатъий ният
Кўнглимга ўрнашар метин ўй бўлиб.
Бағрингга келганлар топишсин сиҳат,
Уйига қайтсинлар қудратга тўлиб.

Сафарим қарийди, уйга йўл йироқ,
Ортимдан кўз тикиб қолади Зомин.
Оқ йўл тилагандек, икки ёнда тоғ —
Кафтларини очиб, қилгандек омин.



***Муаллиф ҳақида:***

Хуршид НУРУЛЛАЕВ — 1959 йили Тойлоқ туманидаги Сочакипоён қишлоғида туғилган.

1976 йили Самарқанд туманидаги 56-сон умумтаълим мактабини тугатган. 1976-1981 йилларда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтида таҳсил олган.

Ҳозирги вақтда "Нуроний" жамғармаси Самарқанд шаҳар бўлими раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

"Ёмғир ҳиди" (2005), "Туғён" (2006), "Муҳаббат мулки" (2008), "Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир" (2014), "Ҳаммаси асабдан" (2014), "Муҳаббат бор" (2017), "Кўнгилдаги гаплар" (2017), "Беш фасл ва юрт васфи" (2018), "Бахтли бўлиш ўзимизга боғлиқ" (2019), "Кўнгил чашмасидан томчилар" (2021), "Тафаккур тасвири" (2022) номли китоблари чоп этилган. Асарлари тожик, инглиз ва ҳинд тилларига таржима қилинган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

КЎНГИЛ КЕЧИНМАЛАРИ

# Муаллим, муаллим, ёдингиздами?

**Болалигим Бухоро вилояти (ҳозирги Навоий вилояти) Қизилтепа туманидаги Пўлат қишлоғида ўтган. У пайтлар ер юмшоқ эди, чунки нохос йиқилиб тушсак-да, ҳеч қандай оғриқ сезмай, югуриб туриб кетардик. Осмон жуда яқин эди, ёз тунлари ток сўрида ётардик ва юлдузлар устимизга тўкилгудек бўларди.**

**Беш ёшлар эдим, чамамда, қўшнимиз оқ косада анжир олиб чиқди. Анжир дегани менга шундай ёқиб тушдики, кунора егим келарди, аммо боғимизда йўқ эди.**

**У пайтларда қўшниларни бир-биридан ажратиб турувчи баланд деворлар бўлмасди. Ҳаттоки боғларимиз бир-бирига туташиб кетган, шунчаки бу боғлар орасида узун йўлкалар бўларди. Йўлканинг нариги ёғи қўшниники, бу ёғи бизники дегандай.**

Кунлардан бир куни онамнинг кўзларини шамғалат қилиб қўшнининг боғига ўтдим. Чунки бу боғда таъми оғзимдан кетмаган анжир бор эди. Қора, муштдек-муштдек келадиган анжирларга кўзим тушиши билан қулт этиб ютиндим. Аммо анжирлар баланд шохларда эди, мен эса беш ёшлик қизалоқман. Анжир дарахтининг каттароқ бир шохига осилиб олдим. Шу пайт бошқа новда қўйлагим ичига кириб қолди ва мен беихтиёр кўтарилдим. Энди қия ётган ҳолда болдай ширин анжир меваларига қўлим етарди. Мен эса тинмай узиб ердим. Анжирга обдан тўйгач, пастга тушишга уриндим. Қанчалик уринмай, туша олмасдим. Типирчилаб-типирчилаб чарчаганманми, ухлаб қолганман. Уйимизда эса тўс-тўполон бошланган. Онам бечора мени излаб қарамаган бирор жой қолмаган. Бутун қишлоқ аҳли жам бўлиб, ариқ борми, пана-пастқам жой борми, мени қидиришган. Хуллас, бобом мени бошқача яхши кўрар эди. Худди ақлдан озгандай кўча ўртасида ўтириб олиб, ҳўнграб мени чақирган экан. Ҳовлимиз ёнбошидаги ҳовузни барча қишлоқдошларимиз узун-узун ходалар, паншахалар билан титкилаб чиқишган. Мен эса у ердан ҳам топилмаганман.

Анжир дарахтининг йўғон новдасига илинган кўйлагим сабабли пастга туша олмаганман. Қай вақтдир кўзимни очсам, тўрт томондан исмимни айтиб чақираётган овозларни эшитдим ва негадир хўрлигим келиб чинқириб йиғлаб юбордим. Шу пайт боққа не иш биландир чиққан қўшни келин йиғи овозини эшитиб, қўрқиб кетади ва қайнонасини чақириб келади. Биз тарафларда анжир дарахтининг ажинаси бўлади деган гап бор, хуллас, кичкина “анжирхўр ажина” — шу алпозда топилганман.

Ўша йили кузда бобом боғимизга иккита анжир ниҳоли ўтқазганлар. Бу дарахтлар яқин-яқингача ҳам мева берарди. Баъзан бозорларда қора анжирни кўриб қолсам, беихтиёр кулиб юбораман. Хотирамда ўша беғубор кунларим тикланади...

Дадажоним ҳайдовчи эди. Онам эса уй бекаси. Уй бекаси дейман-у, даладан бери келмасдилар. Давлат ҳар йили фойдаланиш учун олти сотих ер берарди ва бунинг эвазига пахтани экишдан то йиғиштириб олишгача бўлган давр ичида пахтазорнинг машаққатини чекишлари шарт бўларди. Баъзан боғчадан зериккан кунларим онамга эргашиб далага борардим. Йўл бўйи онам менга наинки одамларни, балки майсалар, дарахтлар, тупроқ ва ҳаттоки чумолиларни ҳам ҳурмат қилиш лозимлигини уқтириб борардилар. Балки табиатга бўлган меҳрим ўшанда шаклангандир. Ҳарфларни ўргана бошлаганимда олти ёшлар эдим, чамаси, дадам китоб ўқишни яхши кўргани боисми, меҳмонхонамиз равоғи китобларга тўла бўларди. Ишдан ҳориб-чарчаб қайтишларига қарамай, менга ва синглимга эртак ўқиб бериш одатларига айланганди дадамнинг. Уйимизда барча чолғу асбоблари: найдан тортиб, рубобу доирагача бор эди. Найда жуда чиройли мусиқа чалар эдилар. Жуда ҳам гўзал суратлар чизар эдилар. Мени тезроқ ҳарф таниб, китоб ўқишга чорлаган куч — дадамдаги истеъдод бўлса, ажаб эмас. Чунки қалбдаги гўзаллик, эзгулик юқумли бўлади. Ҳали мактабга бормай ўқишни ўрганиб олгандим. Кейин эса ҳижжалаб эртак, достон китобларини ўқий бошладим.

Уйда 20 қути асалари, юздан ошиқ товуқ, талайгина қўй ва сигирлар бор эди. Дадам ана шуларга қарашга ҳам вақт топар эдилар. Меҳрнинг тилини онамдан, меҳнатдан қочмасликни дадамдан ўргандим.

Ҳали-ҳали эслайман, мактабга чиқиш учун шунчалар ҳовлиқардимки, билганимча кун санар эдим. Назаримда, мактаб сеҳрли маконга ўхшарди. Дадам Бухоро шаҳрида ишлар эдилар. Ҳали мактабга чиқмасимдан менга мактаб сумкаси, китобу дафтарлар, кийим-кечаклар олиб келганлар. Уларни ҳаммадан беркитиб, қўриқлаб яшардим. Ва ниҳоят, мактабга тенгдошларим қатори зўр ҳаяжон билан борганман. Бир ҳафта қатнашганимдан сўнг ёшим етмагани боис синф раҳбари секин ташқарига олиб чиқиб, бошимни силаб:

— Сен янаги йил келасан, — деб уйга қайтариб юборган.

Мактабдан уйгача бўлган масофада бор овозим билан йиғлаб қайтганман, ҳатто анча пайт касал бўлиб қолганман. 1968 йил мактабга чиқдим, менинг шодлигим дунёга сиғмасди, ўша қиш жуда совуқ келган. Тун бўйи қор ёғиб, эрталаб кўз очиб бўлмас даражада изғирин эди. Чойимни апил-тапил ичиб, мактабга отланганман. Онам мактабга бормасин деб эшикни қулфлаб қўйганлар. Мен эса деразадан ошиб мактабга йўл олганман. Мактаб анчагина олис эди. Йиқилиб-суриниб бир амаллаб борганман. Синфимизга кириб борганимда, синф раҳбарим икки-уч ўқувчи билан музлаган хонада ўтирарди. Мени кўра солиб:

— Шунча узоқ йўлдан нега келдинг? — деган куюнганча, кейин эса елкасидаги иссиқ рўмолга ўраб қўйган.

У пайтларда сиёҳдон бўларди. Перони унга ботириб олиб, кейин ёзардик. Ўша куни ҳаттоки сиёҳ музлаб қолган ва биз қўлимиз қовушмай, қалам билан ёзганмиз. Сал вақтдан кейин синфдошларимнинг оналари олиб кетишган. Мен ва ёлғиз муаллимам қолдик синфда. Ўқитувчимнинг елкамга ёпган рўмоли боис анча илиб қолгандим (бу ҳақда шеър ҳам ёзганман). Ўша куни устозим мени кўтариб олиб уйимизга элтиб қўйган. Уларнинг олдида қарзим жуда кўп эди. Билмадим, шундан бирор мисқолини адо этолдиммикан?!

Бизнинг давримизда ўқитувчиларнинг қадри баланд эди. Шунинг баробарида жуда билимли эди улар. Ёзги таътилда ўнта бадиий асар ўқишимиз шарт эди. Икки-уч синфдошимизни ҳисобга олмасак, биз қишлоқ болалари даланинг иши, ўт ўриш, молларга қарашдан ортиб, ўнта бадиий асарни, албатта, ўқирдик. Айниқса, менга маза эди. Дадам жуда кўп китоб олиб келардилар. “Шаҳзода ва гадо”, “Зумрад шаҳар сеҳргари”, “Уч қалб”, “Профессор Доуэлнинг боши”, “Ўн беш ёшли капитан”, “Том Сойернинг саргузаштлари” номли китобларни завқ билан ўқиганман. Ҳали-ҳануз бу қадрдон китобларнинг муқовалари, ранги, суратлари ёдимда. Китобларни танлаб ўқиш ҳақидаги фикрларни унда билмасдим. Қўлимга тушган китоб мен учун ноннадай азиз эди. Мактабда гарчи барча фанлардан аъло баҳога ўқисам-да, адабиётни айрича яхши кўрардим. Она тили ва адабиёт фанидан республика олимпиадасида уч йил қатнашиб, яхши ўринларни эгаллаганман.

Ўша пайтларда ўқувчиларнинг давомати ва билимини текшириш учун мактабимизга тез-тез комиссия келиб турарди. Синф раҳбаримиз — тил ва адабиёт ўқитувчиси, дилкаш, меҳрибон Очилой опа Ашурова бир куни:

— Эртага ҳамма тоза-озода бўлиб дарсга тайёрланиб келсин, комиссия келади, — дедилар.

Тун бўйи дарсга тайёрландим. Тонгда туриб онамга ёрдам бўлсин деб сигирни соғдим, сўнгра шўх ва қайсар бузоқчани онасини тўйиб эмиши учун қўйиб юбордим.

Тоза-озода бўлиб мактабга отланаётган пайтим онам:

— Болам, бузоқни боғламаганмидинг, ҳеч қаерда йўқ, — деб қолдилар.

Қўлимда мактаб сумкам билан бузоқни топиш учун кўчага қараб отилдим. Не кўз билан кўрайки, бузоқча шаталоқ отиб, ҳамма ёқни чангитиб, анча узоқда югуриб борарди. Миямда бугун комиссия келади деган фикр урчуқдек айланади. Бузоқнинг ортидан шамолдек югураман. Билмадим, йўлдаги тошларга қоқилиб неча марта йиқилдим. Шу қадар тез югураманки, қулоғим остидан шамоллар шувуллаб ўтади. Бузоққа қараб ялинаман:

— Илтимос, ортингга қайт, бугун комиссия келади...

У бўлса юзимга мўлтираб қарайди ва югуришда давом этади. Ва ниҳоят, уни тутиб, ҳовлимизга киргизиб юбордим-да, дарвозани ёпдим. Энди мактабга қараб югуришимни кўрсангиз. Эрталабки тоза-озодалигимдан асар қолмаган. Чанг-чунгга ботганман. Мактабга кириб келишим билан синф раҳбаримга дуч келдим:

— Тинчликми, қизим, ит қувдими? — дедилар ранги-ҳолимга қараб.

Мен эса ҳансираб:

— Бузоғимиз... бузоғимиз қочиб кетди, — дейман, холос.

Ўқитувчим жилмайиб, бежиримгина сумкачаларидан дастрўмол олиб менга узатдилар-да:

— Бор, юз-кўзингни ювиб олгин, — дедилар.

Шу воқеани эсласам, ҳали ҳам хижолат бўлиб кетаман.

Ўқувчилик йилларим энг бебаҳо давр экан. Бир қўлимизда кетмон, бир қўлимизда китоб бўларди. Ўшанда гарчи дала ишларининг машаққатидан безор бўлган бўлсак-да, бугун синфдошларимиз билан суҳбатлашганимизда, бот-бот далани соғинганимизга иқрор бўламиз, ўқувчилик йилларига қайтгимиз келади.

1978 йилда Қизилтепа туманидаги Абу Али ибн Сино номли 12-мактабни олтин медаль билан тугатдим.

Ҳар гал қишлоққа қайтганимда, қадрли мактабим ёнидан ўтарканман, қандайдир оташин туйғу руҳимга тирмашади ва секин шивирлайди: “Қанийди, яна ўқувчи бўлиб мактабга қайтсам...”

Ёшлик тугамайди, деб ўйлагандим. Афсуски, у кутилмаганда тугаб қолар экан. Қанчадан-қанча қилинадиган ишларим чала қолди ва мен учун армонга айланди.

Бугунги кун ёшлари анча зийрак, учқур. Аммо уларни техника бошқараётгани юраккa ваҳм солади. Нима бўлганда ҳам ёшликни беҳуда шамолларга сарфламанг. Бугунги кун болаларига шеър билан тилак билдирсам-да ва яна “Рўмол” номли шеъримни ҳавола қилсам:

*Ниҳолсан, эртага дарахт бўларсан,*
*Бўронни енгувчи чин аҳд бўларсан.*
*Истагим, Ватаннинг пешонасига*
*Ярқираган толе ҳам бахт бўларсан.*

### РЎМОЛ

*Қиш. Минг тўққиз юз олтмиш саккизинчи йил,*
*Борлиқнинг қалбидан сизарди нола.*
*Музлаб ўтирардик синф хонасида*
*Дарсдан қолмайдиган тўрт-бешта бола.*

*Муаллим, муаллим, ёдингиздами?*
*Совуқдан тишимиз тегмасди тишга.*
*Карахт тортиб қолган бармоқларимиз*
*Келишмасди сира бир ҳарф ёзишга.*

*Сиз кўнгил уфидан чиққан қуёшдай*
*Иситиб қўйдингиз қўлларимизни*
*Ва сўнгра баҳорга бошлаб бордингиз*
*Қишнинг ўртасида ўйларимизни.*

*Негадир елкамга ёпдингиз шунда*
*Чиройли ва иссиқ рўмолингизни.*
*Ўшанда ўзгача бир меҳр билан*
*Қучоқлагим келган хаёлингизни...*

*...Қанча йиллар ўтди, фасллар ўтди,*
*Гоҳ сездим, сезмадим тароватини.*
*Ғамнинг аёзидан жунжиккан пайтим*
*Қўмсайман шу рўмол ҳароратини...*

*Муаллим, муаллим, ёдингиздами?!*

**Ҳалима АҲМЕДОВА,**
**шоира.**

ЯХШИЛИК

# “ДЕҲҚОН” СЎЗИ МАҒРУР ЖАРАНГЛАДИ

**Хилват жойлар, гўзал масканлардан бой тарихимиз унсурларини излаб, катта шаҳарга қайтган сафар қатнашчилари бир нарсадан ҳайрон бўлиб, донг қотиб қолдилар. Ҳатто иштирокчилардан бири: “Мана, мўъжиза излаб юрувдиларинг. Энди ҳайрон қолаверинглар. Ким изоҳ беради?” деб баралла шовқин солди. Чиндан ақл бовар қилмайдиган воқеа содир бўлганди: замонавий пухта-пишиқ автомобилнинг орқа юкхонаси очилмаган, аммо бир сумка... йўқ эди.**



Ҳамма жойни титкилаб кўришди, ҳатто машинанинг ўриндиқлари тагигача, аммо юк йўқ эди. Барчанинг энсаси қотди. Сумка эгасини эса ташвиш босди. “Йўқолган пичоқнинг сопи олтин” деганларидек, қўлдан чиқиб кетган нарсаларни ўйламаслик мумкин эмасди. Ҳужжатлар, калитлар, кийимлар, анчагина пул ва банк карточкалари унинг кўз олдидан ўтарди.

Шу тарзда уч кун ўтди. Сумканинг йўқолгани аниқ эди. Энди биринчи навбатда уйга кириб олиш (темир дарвозанинг калити кетганди), кейин ҳужжатларни тиклаш ташвиши бошни эза бошлади. Хуллас, сафар татимади. Нима бўлганда ҳам шаҳарга қайтиш, ишга киришиш зарур эди. Эртага эрталаб йўлга чиқишни мўлжаллаб, дераза олдида хомуш турганди, Тошкентдан телефон бўлиб қолди. “Халқ банки”нинг масъул ходими Элёржон ўзини таништириб, гап бошлади: “Пластик карталарингизни йўқотганмисиз?” Шу пайт сумка эгасининг юзи ёришиб кетди. Қисқа мулоқотда ҳаммаси аниқ бўлди.

Шошиб йўлга тушилди. Айтилган манзилда чеҳраси нурли, ёш йигит “қочқоқ сумка”ни қўлида тутиб келарди. Ҳаммаси маълум бўлди: улар қишлоқдан жўнаб, катта йўлга чиққач, юкхона қопқоғи очилган ва юзада турган сумка тушиб қолган. Қизиғи, қопқоқ яна олдингидек ёпилган, буни ҳайдовчи ҳам билмаган, ичкаридаги кўзгу ҳам акс эттирмаган, орқадан сигнал ҳам бўлмаган.

Ўзини Дониёр Алиқулов деб таништирган, Яккабоғ туманидаги Қўшчинор қишлоғида яшовчи юртдошимизнинг айтишича, катта йўлнинг ўртасида ётган қора сумкани кўриб, олдин хавфсираган, барибир қизиқиш устун келиб, уни олган ва машинадан тушиб қолганига ишонган. Бирданига йўқотган мол эгасининг аҳволини тасаввур қилиб, эгасига етказишга уринган.


— Айниқса, калитларни кўриб, шошиб қолдим, буюмлар орасидан бирор манзил ёки телефон рақамини излай бошладим, — деди Дониёр. — Бир рақам бор экан, улар билмаймиз, дейишди (ҳолбуки, бу катта ташкилотнинг матбуот хизмати бўлиб, улар билан видеокамера бўйича анча тортишишган, бу гуруҳни билишарди). Шунда банк картасидаги рақамга телефон қилдим.

Шунча азият чеккан, холис ёрдамга шошилган инсоннинг ҳимматига тан бермай илож йўқ эди. Ҳолбуки, бошқа бир ёмон одам бўлганида, пулни олиб, қолган нарсани ирғитиб юбориши ҳеч гап эмасди. Дониёрбекнинг инсофу диёнатига таъзим қилиб, ундан касбини сўраганларида:

— Деҳқонман, — деб ўзгача ғурур билан жавоб берибди. “Шунда бу сўздан атроф ёришгандек бўлди”, дейди гувоҳлар. Улуғ китобларда “Энг ҳалол ризқ — деҳқоннинг топгани” деб ёзилган. Бу бежиз эмас экан. Деҳқоннинг ҳалол пешона тери билан юрт обод, у яратган неъматдан қанча тирик жон баҳраманд. Унинг ҳалоллиги, поклиги бошқаларга ҳам юқсин. Шундай одамлар борлиги учун ҳаётда яшагинг келади...

**Муниржон РАҲИМОВ,**
**талаба.**

РАССОМ ХАНДАСИ




**Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.**

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
*Баҳоси келишилган нархда*

Адади: 3 155
Буюртма — Г-1044

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22⁰⁰

1 2 3 4 5 6

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

**Телефон:** (71) 244-32-68, 244-32-91
**Тел-факс:** (71) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг** бўлими: (71) 244-32-70

**Манзилимиз:** 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

ISSN 2181-0680

*Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.